

# ОШНА

Ойлик ижтимоий-маърифий журнал,  
1433, Рамазон, 3-сон

**Рўзанинг  
фазилатлари**

**САДОҚАТ  
ВА ВАФО**

**РЎЗАНИНГ  
СУННАТЛАРИ  
ҲАҚИДА**

## АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!

Аёл – беназир мавжудот, Аллоҳнинг яратмишлари ичра ўхшаши йўқ нозик бир хилкат. Эркак яралганидан буён ўз жуфтига талпинади, унинг таърифига чиройли сўз, гўзал ташбех, мукамал қиёс ахтаради.

Асрлар оша аёл зоти гоҳ мақтов-мадҳиялар қано-тида самоларга учирилди. Гоҳ мазамматлар арқонига маҳкам боғлаб, ер қаърига улоқтирилди. Унга «Ақли ноқис, шу боис аёллардан пайғамбар чикмаган», «Аёл одам эмас, шайтоннинг урғочиси», деган ноўрин ва қа-биҳ таъна-маломатлар чапланди.


Нодон инсон пайғамбарларни ҳам оналари, яъни аёл туққанини билмади, билса ҳам, назарга илмади, бадбахт Фиръавн Яратганни тан олмай, ўзини «илоҳ» деб эълон қилганида унинг саройида туриб, унинг хотини бўлату-риб, Аллоҳни таниган, Унинг розилигини истаган Осиё бинти Мазоҳим ҳам аёл эканини эсидан чиқарди. Яман маликаси Билқис бинти Шароҳил Сулаймон алайҳис-саломнинг даъвати билан ҳеч тараддудсиз Аллоҳга иймон келтиргани ва тахтдан воз кечгани унча-мунча эркак кишининг қўлидан келмайдиган мардлик эканини тан олгиси келмади. Аллоҳ ҳузуридаги руҳнинг илқо қилинишидан Ийсо алайҳиссаломдек пайғамбар-ни отасиз дунёга келтирган зот – Биби Марям ҳам аёл эканини унутди. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳисса-ломга нозил бўлган ваҳийни биринчи бўлиб тасдиқлаб, иймон келтирган ва умр бўйи Фаҳри коинотга сафдош, кўмақдош, сирдош бўлиб яшаган Хадича бинти Хувай-лид ҳам аёллар жумласидан эканидан фаромуш бўл-ди. Ўзининг нури ила бутун оламни мунаввар айлаган Ислом динигина аёлнинг даражасини кўтарди, унинг ҳақ-ҳуқуқларини химоя этди, унга саодат эшикларини, нажот манзилларини кўрсатиб берди. Бугунги кунда муслималар дунёдаги барча ҳамжинслари ичида энг саодатлиси, энг бахтиёри, энг арзандаси ва ҳурматга сазоворидир.

«Муслимаат.уз» сайти саҳифаларида янги «Омина» номли аёл-қизлар электрон журналин ташкил этиб, муслима дугоналаримизга тухфа этиш истаги ана шу фикрлар пўртанасида туғилиб етилди. Аллоҳ таолонинг тавфиқи ва лутфу инояти ила истаклар рўёбга чиқиб, минг бир истиҳола ва андишалар ила сиз азизаларнинг эътиборига уни ҳавола этиш бахти ҳам насиб этди. Бар-чангиздан ўтинчимиз шуки, янги электрон журнални ўз маслаҳатгўйингиз, сирдошингиз, яқин ҳамдамингиз сифатида қабул қилинг, унинг ҳар бир янги сони билан мунтазам танишиб бориб, кўнглиларни таскин топти-ринг. Яна бир ўтинчимиз шуки, туғилган фикрлар, ай-тилмай қолган гаплар, кўнглингиз тўлмаган ўринлар кўлингизга қалам тутқазиб, биз билан ҳамкорликка чорласа, ҳимматингизни дариф тутманг...

Барчаларингизга муслималар журнали муборак бўл-син! Ҳаммаларингизни мулоқотга, ижодий ҳамкорлик-ка чорлаб қоламиз. Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Камоли эхтиром ила,

*«Муслимаат.уз» тахририяти.*




Ҳозирги кунда кўпчилик оналаримиз фарзанди бетоб бўлиб қолса, шифокорга бир-икки мурожаат қилиш билан кифояланадилар. Аммо саждаларда узок қолиб, жигарбандининг ҳаққига дуолар қилиш, ярим тунда уйқусидан уйғониб, намоз ўқиш, намоздан сўнг қиладиган дуоларида боласининг дардига шифо сўраш ҳоллари жуда ҳам нодирдир. Шифокорни «қўлидан ҳеч нарса келмайдиган пандовақи»ликда айблагандан кўра оналарнинг ўзлари астойдил дуога киришсалар, ажабмас, Аллоҳ таоло уларга ҳам моҳир табибни рўпара қилса...

Аллоҳ таолога У Зотнинг жалолига мос ҳамду санолар бўлсин, қизларимиз ниҳоятда керакли, фойдали ҳамда савобли ишга қўлурдилар. «Омина» электрон журналининг мухтарам ўқувчиларини ушбу хайрли ишнинг бошланиши ила чин қалбдан табриклайман. Аллоҳ таолога илтижо ила бу ишнинг бардавом ва серфойда бўлишини таъминлашини тилаб дуолар қиламан. Шу билан бирга, барча имкони бор азизларимизни бу журналнинг ривожига қўлдан келган ҳиссаларини кўшишга чақираман. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзи мададкор бўлсин!

*Шайх Муҳаммад Содиқ  
Муҳаммад Юсуф*

*«Омина» электрон журналининг  
ҳайъат аъзолари:*

*Дилором Ғозиева  
Нозима Муратова  
Назокат Қосимова  
Дилафруз Юсупова  
Оминахон Муҳаммад Юсуф  
Одинахон Муҳаммад Юсуф  
Наргиза Атажанова*



*«Албатта, муслимлар ва муслималар, мўминлар ва мўминалар, давомли итоаткор эркаклар ва давомли итоаткор аёллар, садоқатли эркаклар ва садоқатли аёллар, сабрли эркаклар ва сабрли аёллар, хушуъли эркаклар ва хушуъли аёллар, садақа қилувчи эркаклар ва садақа қилувчи аёллар, рўза тутувчи эркаклар ва рўза тутувчи аёллар, фаржларини сақловчи эркаклар ва (фаржларини) сақловчи аёллар, Аллоҳни кўп зикр қилувчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) зикр қилувчи аёллар – ўшаларга Аллоҳ мағфиратни ва буюк ажрни тайёрлаб қўйгандир».*

Ушбу ояти каримада келтирилган сифатларнинг ҳар бири ҳар бир мўмин-мусулмон эркак-аёлга жуда ҳам зарур бўлганидек, уларнинг ҳаммаси жамланиб, ҳамма мўмин-мусулмонларнинг умумий сифатларига айланиши ҳам зурурдир.

**«...муслимлар ва муслималар...»**

Яъни бору будлари билан ўзларини бутунлай Аллоҳ таолога таслим қилган, Исломининг амрларига тўла бўйсунган эркаклар ва аёллар.

**«...мўминлар ва мўминалар...»**

Яъни Аллоҳга ва иймон келтириш лозим бўлган барча нарсаларга Аллоҳ айтганидек, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам кўрсатганларидек иймон келтириб, тасдиқловчи эркаклар ва аёллар.

**«...давомли итоаткор эркаклар ва давомли итоаткор аёллар...»**

Иймон ва Исломдан сизиб чиққан бу итоат доимий бўлиши билан бирга, инсоннинг ўз розилиги билан ичдан отилиб чиққан итоат ҳам бўлади. Ташқи мажбурият юзасидан келиб чиққан эмас. Бу итоат сокинлик билан, ишонч билан бўладиган итоатдир.

**«...садоқатли эркаклар ва садоқатли аёллар...»**

Сўзларида, ишларида, ниятларида ва иймонларида садоқатли эркак-аёллар. Сўзда садоқатли бўлиш рост сўзлаш, ёлғон гапирмасликдир. Гўзал сифатлардан бири – ростгўйлик ҳар бир эркак-аёл учун олий сифатлардан бўлиб келган. Ростгўйлик иймоннинг аломатидир. Ким ростгўй бўлса, нажотга эришади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг ҳадиси шарифларидан бирида: «Ростгўйликни лозим тутинглар. Албатта, ростгўйлик яхшиликка бошлайди. Яхшилик эса жаннатга. Ёлғондан сақланинглар. Албатта, ёлғон фужурга бошлайди. Фужур эса дўзахга. Инсон рост гапирса, ростгўйликни ихтиёр қилаверса, Аллоҳнинг ҳузурда сиддиқлардан бўлиб ёзилади. Агар одам ёлғон гапирса, ёлғонни ихтиёр қилаверса, Аллоҳнинг


ҳузурда каззоблардан бўлиб ёзилиб қолади», – деганлар.

**«...сабрли эркаклар ва сабрли аёллар...»**

Сабр ҳам ҳар бир мўмин-мусулмон эркак-аёлга лозиму лобуд сифатдир. Бу улкан хислатсиз инсон мўмин-мусулмонлик тақлифларини, буйруқларини адо эта олмайди. Инсон бошига тушган мусибатларга бардош бериши керак. Орзу қилгани олий мақомларга етиш йўлидаги ишларда сабрли бўлиши лозим. Турли синовлардан, машаққатлардан фақат сабр ила ўтилади.

**«...хушуъли эркаклар ва хушуъли аёллар...»**

Оятда «хушуъ» сўзи ишлатилган, бизнинг тилимизда унинг маъносини бир сўз билан англатиб бўлмайди. «Хушуъ» сокинлик, хотиржамлик, шош-



маслик, викор ва тавозуъ маъноларини ўз ичига олади. Бу сифат ҳам қалбга, ҳам аъзоларга тегишли сифатдир. Яъни «хушуъ» инсоннинг бутун борлиғи билан Аллоҳ таолонинг улуғлигини, ҳайбатини ҳис қилиб туришидир.

**«...садақа қилувчи эркаклар ва садақа қилувчи аёллар...»**

Садақа қилиш молиявий ибодат ҳисобланади. Садақа заифҳол, муҳтож кишиларга ёрдам беришдир. Садақа қилиш бахиллик дардидан покланишдир. Садақа инсоннинг иймонини тасдиқловчи нарса бўлгани учун ҳам «садақа» деб номланган. Зеро, араб тилида «садақа» сўзи «тасдиқлаш» маъносини билдиради. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадиси шарифларидан бирида: «Садақа худди сув оловни ўчирганидек, гуноҳларни ўчиради», – деганлар.

**«...рўза тутувчи эркаклар ва рўза тутувчи аёллар...»**

Рўза юқорида зикр қилинган барча сифатларни пайдо қиладиган ва қувватлантирадиган амалдир. Рўза орқали мусулмон эркак ва аёлнинг иймони, итоаткорлиги, ростгўйлиги, сабри, хушуъ-хузуси, садақа қилишга рағбати кучаяди. Рўза тўғрисида қанча кўп гапирсак, шунча оз. Фақат битта ҳадиси шарифни эслаб ўтамыз.

Имом ибн Можа ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Рўза баданнинг закотиридир», – деганлар.

Яъни, рўза танани покловчи нарсадир, деганлар. Бу ҳадиси шариф Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизалари, десак, ҳеч муболага қилмаган бўламиз. Мана, ушбу ҳадиси шариф айтилганидан буён ўн тўрт аср ўтиб, Исломдан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан хабари йўқ ғайридин олимлар рўза (ихтиёрий оч қолиш) кишининг баданини озик-овқат, ичимлик, нафас олиш ва бошқа сабаблар билан тўпланиб қолган ифлослик, чиқинди, туз каби зарарли моддалардан тозалашини исбот қилдилар. Ҳа, рўза инсоннинг руҳини, зеҳнини, ақлини, танасини, аъзоларини, қонини, барча-барча жиҳатларини поклайди. Рўзанинг бошқа фойдалари ҳам кўп. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан бирида у зотнинг «Эй ёшлар жамоаси, сизлардан ким жинсий алоқага қодир бўлса, уйлансин. Албатта, уйланиш кўзни тўсувчирок ва фаржни сақловчирокдир. Ким уйланишга қодир бўлмаса, рўза тутсин. Албатта, рўза унинг учун

шаҳвоний кучни кесувчидир», деганлари ривоят қилинган. Оятда рўзадорлик сифатидан кейин фаржни сақлаш келаётгани ҳам бежиз эмас.

**«...фаржларини сақловчи эркаклар ва (фаржларини) сақловчи аёллар...»**

Яъни жинсий аъзоларини ҳаромдан сақлайдиган эркаклар ва аёллар. Бу ҳам покликнинг энг олий босқичларидандир. Зинодан, бошқа ҳаром жинсий алоқалардан фаржини сақлаш мўмин-мусулмонликнинг белгиларидандир. Пайғамбар алай-хиссалату вассаломнинг ҳадисларидан маълумки, ҳар бир одам боласи соф фитрат ила, яъни муслим бўлиб туғилади. Инсоннинг соф фитрати, шайтон васвасаси ила бузилмаган табиати эса ҳар қандай кингир ишлар, ҳаром-хариш нарсалардан, хусусан, зинодан ҳам ҳазар қилади. Бинобарин, зинонинг ҳар қандай кўринишидан сақланиш мўмин-мусулмон эркакга аёлларнинг энг муҳим сифатларидандир.

**«...Аллоҳни кўп зикр қилувчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) зикр қилувчи аёллар...»**

Аллоҳни кўп зикр қилиш юқорида зикр этилган ва зикр этилмаган сифатларнинг юзага келишига ва бардавом бўлишига асосий омилдир. Аллоҳни кўп зикр қилиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун зарурий амаллардандир.

Ибн Абу Ҳотим Абу Саъийд Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачонки эр киши кечаси хотинини уйғотса ва икковлари икки рақъатдан намоз ўқисалар, ўша кеча Аллоҳни зикр қилган эркаклардан ва зокира аёллардан бўладилар», – деганлар. Ҳа, зокирлик даражаси олий мартабадир. Зокирлик мақоми олий мақомдир. Ҳар бир мусулмон эркак зокирлик сифатини эгаллаши лозим. Ҳар бир муслима зокира деган сифатга эга бўлиши керак.

**«...ўшаларга Аллоҳ мағфиратни ва буюк ажрни тайёрлаб қўйгандир».**

Яъни Аллоҳ таоло мазкур сифатларга эга бўлган ҳар бир эркакнинг ва ҳар бир аёлнинг гуноҳларини бу дунёнинг ўзидаёқ кечиришга тайёр, у дунёда эса уларга ажр қилиб, жаннатни шай этиб қўйган.

Юқорида зикр этилган олиймақом сифатлар соҳиби бўлган ҳар бир мўмин ва мўмина Аллоҳ таолонинг ҳар қандай амрини сўзсиз бажаришга доимо тайёр туради.

*«Тафсири Ҳилол»дан олинди.  
«Аҳзоб» сураси, 35-оят.*



# РЎЗАНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

*Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*  
«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Аллоҳ таоло «Одам боласининг ҳамма амали ўзи учун, фақат рўза Мен учундир ва унинг мукофотини Мен – Ўзим берурман», деди. Рўза сақловчидир. Қачон қайси бирингиз рўзадор бўлса, фахшдан гапирмасин ва бақир-чақир қилмасин. Агар бирорта одам у билан сўкишмоқчи ёки уришмоқчи бўлса, «Мен рўзадор одамман», десин. Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зот ила қасамки, албатта, рўзадорнинг оғзининг ҳиди Аллоҳнинг наздида мушкнинг хидидан хушбўйроқдир. Рўзадорга икки хурсандлик бордир. У иккисини ҳам яшайди. Қачон ифтор қилса, хурсанд бўлади ва қачон Робби йўлиққанда, рўзаси ила хурсанд бўлади», дедилар».

*Бешовлари ривоят қилишган.*

Бу ривоятда ҳадиси қудсий билан ҳадиси шариф аралаш ҳолда келмоқда.

Аллоҳ таоло номидан айтилган сўзлар – ҳадиси қудсий, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг номларидан айтилгани эса ҳадиси шарифдир.

Аввало ҳадиси қудсий келмоқда:

«Аллоҳ таоло «Одам боласининг ҳамма амали ўзи учун, фақат рўза Мен учундир ва унинг мукофотини Мен – Ўзим берурман», деди».

Демак, инсоннинг рўзадан бошқа ҳамма қилган амали ўзи учун бўлади. Фақатгина тутган рўзаси Аллоҳ учундир. Буни қандай тушуниш мумкин? Жавоби кўйидагича:

Рўзадан бошқа ҳамма амалларда амал қилувчи хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам бир оз хўжақўрсинга қилиш, ўзгаларнинг ҳаваси, мақтови, обрў-эътиборини қозониш ҳисси пайдо бўлади.

Мисол учун, намоз ўқиган одамнинг таҳорат қилганини, намозга жой танлаганини ва ниҳоят, намоз ўқиётганини бошқалар кўради. Бу одам намоз учун таҳорат қилмоқда, бу одам намоз учун жой танламоқда, бу одам намоз ўқимоқда, яхши одам экан, деган фикр хаёлидан ўтиб, унга ҳурмат-эътибор билан қарайди.

Шу каби, закот берганини ҳар қанча яширса ҳам, ҳеч бўлмаганда закотни олган киши билиб, ҳаққиға дуо қилади.

Ҳажга боргани эса умуман, шов-шув бўлиб кетади. Қайтганидан сўнг гуруҳ-гуруҳ кишилар зиёрати-

га келишади. «Ҳожи ака» ёки «Ҳожи она» деган ном билан чақирила бошлайди.

Рўзада эса бу нарсаларнинг бирортаси йўқ, кечаси ҳеч ким кўрмайдиган вақтда саҳарлик қилади. Кундузи эса ҳамма баробар юраверади. Ҳеч кимсиз, ёлғиз ўзи қолганида рўзадор Аллоҳ таоло кўриб турганини ҳис қилиб, оғзини очиб юбормайди. Ана шуларнинг ҳаммаси рўза Аллоҳ учун тутилишининг белгисидир.

Шунинг учун ҳам ёлғиз Аллоҳ учун бўлган ибодатнинг мукофотини Аллоҳ таолонинг Ўзи беришга ваъда қилмоқда. Бу ҳақиқатни яна ҳам тўлиқ тушуниб олишимизга бошқа бир ривоятдан келтирилган кўшимча лафзлар ёрдам беради.

**«Одам боласининг ҳамма амали (савоби) кўпайтириб берилур. Бир яхшиликка унинг ўн мислидан то етти юз баробаригача. Аллоҳ азза ва жалла: «Магар рўза Мен учундир. Унинг мукофотини Мен берурман. У (одамболаси) шахвати ва таомини мен учун тарк қилур», деди».**

Демак, рўзадан ўзга амалларнинг савоби қай миқдорда кўпайтириб берилиши аниқ. Савоб бериладиган битта амалнинг савоби ўн мартадан то етти юз мартагача кўпайтирилиши мумкин.

Шу билан бирга, рўза учун бериладиган савобнинг кўпайиши шунчаларки, уни Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди, идрок ҳам қила олмайди. Рўздорнинг амали бунчалар юқори баҳоланишининг сабаби у фақат Аллоҳ таоло учун таоми ва шахватини тарк қилиб, рўза тутганлигидир.

Ушбу ривоятнинг ҳадис қисмида эса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам рўзанинг фазийлатлари ҳақида ва рўздор ўзини қандай тутиши лозимлиги тўғрисида сўз юритадилар.

#### 1. «Рўза сақловчидир».

Рўзанинг сақловчи эканлиги умумий маънодадир. У рўздорни турли ёмон ишлардан, гуноҳлардан, касалликлардан, ахлоқсизликлардан, энг муҳими, дўзахга тушишдан сақлайди.

#### 2. «Қачон қайси бирингиз рўздор бўлса, фахшдан гапирмасин ва бақир-чақир қилмасин».

Фахш, уятсиз сўзларни гапириш мусулмон одамга мутлақо тўғри келмайди. Шунингдек, бақир-чақир қилиш ҳам. Мусулмон рўздор бўлганида унинг обрў-эътибори яна ҳам ошади. Унинг рўза ила берк оғзидан ҳеч бир беҳуда, номаъкул сўз чиқмаслиги керак. Айниқса, фахш сўзлар, сўкиш, ғазаб ила содир бўладиган бақир-чақирлар умуман чиқмаслиги лозим. Агар рўздорнинг ихтиёридан ташқари, бошқа бировлар уни бақир-чақирга мажбур қилса ҳам, ундан сақланиб қолиш йўли бор.

#### 3. «Агар бирортаси у билан сўкишмоқчи ёки уришмоқчи бўлса, мен рўздорман, десин».

Шу орқали ўзининг сўкишиши ва уришиши мумкин эмаслигини ўзига ҳам, ўзгага ҳам эслатсин. Рўзанинг ҳурматидан сўкишни ва уришишни тарк қилсин. Бу нақадар юксак одоб! Бу нақадар олийжаноблик!

Дарҳақиқат, Аллоҳга ибодат қилиш учун, Аллоҳнинг фарз қилган рўзасини тутиш учун беркитилган оғиздан фахш сўзлар, сўкишлар, бақир-чақирлар чиқиши мутлақо тўғри эмас. Бундай оғиздан ҳар доим яхши, гўзал ва фойдали сўзлар чиқиши керак.

#### 4. «Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зот ила қасамки, албатта, рўздор оғзининг хиди Аллоҳнинг наздида мушкнинг хидидан хушбўйроқдир».

Маълумки, овқат егандан сўнг маълум вақт ўтиб, таом ҳазм бўлиш жараёнида оғиздан турли хидлар чиқади. Одатда ўша хид мактовга сазовор хид эмас. Аммо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам рўздорнинг оғзидан чиқадиган, араб тилида «халуф» деб номланадиган ўша хид Аллоҳнинг хузурида мушку анбарнинг хидидан ҳам афзал эканлигини қасам ила таъкидламоқдалар. Бу ҳам рўзанинг фазли қанчалар улуғ эканлигини кўрсатади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу сўзларини фуқаҳоларимиз яхши ўрганиб, «Рўздор киши Пешиндан кейин мисвок қилмаслиги керак, мабодо у мисвок қилиб, оғзини тозаласа, ўша мушку анбардан кўра хушбўй хид кетиб қолади», деганлар.

Рўзанинг фазийлатлари шу билан тамом бўлиб қолмайди. Яна давом этаверади.

#### 5. «У иккисини ҳам яшайди».

1. Қачон ифтор қилса, хурсанд бўлади.

2. Қачон Роббиси ила мулоқотга юзланганда, рўзасидан хурсанд бўлади.

Демак, мазкур икки хурсандлик фақат рўза тутган кишилар учунгина бўлади. Бу ҳам рўзанинг буюк фазийлатларидандир.

Дарҳақиқат, кун бўйи рўза тутиб, вақти келганда ифтор қилган инсон ниҳоятда хурсанд бўлади. Аллоҳ амр қилган ибодатни адо этганидан, ҳадсиз-ҳисобсиз савобларга эга бўлганидан, охиратига замин тайёрлаганидан хурсанд бўлади. Очлик, ташналиқдан сўнг ҳалол таомга етишганидан хурсанд бўлади. Бундай хурсандлик, албатта, фақат рўза тутган кишигагина насиб этади. Охиратда эса Аллоҳ ила мулоқот бўлганда тутган рўзаси учун жаннатга киритилганидан хурсанд бўлади. Рўза тутмаганлиги учун дўзахга тушиши вожиб бўлган кишилар қандай ҳам хурсанд бўлсинлар?!

Демак, ҳаётимизда ушбу ҳадиси шарифга ҳеч оғишмай амал қилмоқ лозим, токи Роббимиз бизга фарз қилган рўзани беҳато тутайлик, рўзадор кишининг одоблари ила одобланайлик. Ана шунда ҳадисда ваъда қилинган мартабаларга сазовор бўлурмиз, иншааллоҳ.

*Яна ўша кишидан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Қачон Рамазон келса, жаннат эшиклари очилур, дўзах эшиклари ёпилур ва шайтонлар кишанланур», дедилар.**

*Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.*

*Термизийнинг лафзиди:*

**«Қачон Рамазонининг аввалгиче касиб бўлса, шайтонлар ва ўзбошимча жинлар кишанланур. Дўзахнинг эшиклари ёпилур. Улардан бирортаси очилмас. Жаннатнинг эшиклари очилур. Улардан бирортаси ёпилмас. Бир нидо қилгувчи:**

**«Эй яхшилик истовчи, келиб қол! Эй ёмонлик истовчи, бас қил!» деб нидо қилур. Аллоҳнинг дўзахдан озод қилинган (банда)лари бўлур. Ҳар кеча шундай бўлур», дейилган.**

**Шарҳ:** Ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган ҳолатлар ҳам рўзанинг фазийлатлари қанчалар улуг эканлигини кўрсатиб турибди. Келинг, улар билан бир-бир танишиб чиқайлик: **«Қачон Рамазон келса:**

#### 1. «Жаннат эшиклари очилур».

Термизийнинг ривоятларидаги қўшимчада келганидек, ана шу эшиклардан бирортаси ҳам ёпилмас.

Демак, Рамазон ойида рўзадор ҳолида вафот этганлар жаннати бўлурлар. Шу билан бирга, ўша ойда жаннатга кириш учун асқотадиган савоб амаллар кўп қилинур. Жаннатнинг барча эшиклари очилиши Рамазон ойида ер юзига Аллоҳнинг раҳмати кўп нозил бўлишига ҳам ишорадир.

#### 2. «Дўзахнинг эшиклари ёпилур».

У эшиклардан бирортаси очилмас. Шунинг учун ҳам Рамазонда вафот этган осийларни дўзахга киритиш ҳам Рамазон ичи кечга суриб турилади. Рўза тутган бандалар дўзахга тушишга сабаб бўладиган ишларни қилмайдилар.

#### 3. «Шайтонлар кишанланур».

Улар бирор кишига иғво ҳам қилмайди, озор ҳам бермайдилар. Бу ишларнинг ҳаммаси Рамазони шарифнинг хурматидан бўлади.

Имом Термизийнинг ривоятларида келган «ўзбошимча жинлар» ҳам кишанланиши

ҳақидаги қўшимчадан жин бошқа, шайтон бошқа эканлиги тушунилади. Шунингдек, жинларнинг ичида ўзбошимчалари бўлиб, кишиларга озор етказиши мумкинлиги англанади.

Имом Термизийнинг лафзларидан Рамазони шарифнинг қўшимча фазийлатлари ҳам тушунилади.

4. **«Бир нидо қилгувчи: «Эй яхшилик истовчи, келиб қол! Эй ёмонлик истовчи, бас қил!» деб нидо қилур».**

Демак, Рамазони шарифда яхшиликка тарғиб ва бериладиган савоб яна ҳам кўпайтирилади. Ёмонликдан қайтариш ва унинг олдини олиш яна ҳам кучайтирилади.

5. **«Аллоҳнинг дўзахдан озод қилинган (банда)лари бўлур».**

Яъни, аввалдан дўзахга тушишга лойиқ бўлиб қолган бандалардан баъзилари Рамазони шариф туфайли Аллоҳ томонидан кечирилиб, дўзахдан озод қилинурлар. Бу ҳам Рамазон хурматидан бўлади.

Демак, Рамазони шариф ҳар бир банда учун улкан савоблар топиб қолиш, дўзахдан озод бўлиб олиш учун жуда ҳам қулай фурсатдир. Бу фурсатдан ҳар бир ўзини билган инсон унумли фойдаланиб қолиши керак. Бунинг учун эса у муборак ойнинг рўзасини ихлос билан тутиб, ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, кўпроқ ибодат ва яхши ишлар қилиб қолиши керак.

*«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан олинди.*



## *Рўзани бузадиган ва фақат қазо тутишни вожиб қилиб, каффоротни вожиб қилмайдиган нарсалар:*

9. Қулоғига мой томизса. Сув томизса, очилмайди.


10. Аёл кишининг олд аъзосидан бирор дори томизилса ҳам рўзасини қазо қилиб тутмоғи лозим бўлади. Эрақак кишининг олд аъзосидан дори томизилганда бу гап йўқ.

11. Қасддан оғзи тўлиб қусса ҳам қазо тутади. Агар рўзалиги эсидан чиққан, оғзи тўлмай қусган, таом эмас, балғам қусган бўлса, рўзаси очилмайди.

12. Гизо ва даво воситаларини беморлик, сафар, мажбурлаш, хато, бепарволик ёки шубҳа каби шаръий узрлар ила тановул қилса, қазосини тутиб беради.

13. Оғзини чайиб турганда хато қилиб, сув ичига кетиб қолса, рўзаси очилади ва қазо тутади.

14. Бошидаги ёки қорнидаги жароҳатга дори қўйганда ичига ёки димоғига кетиб қолса.



# РЎЗАГА ТААЛЛУҚЛИ АҲКОМЛАР

15. Биров ухлаб ётган одамнинг қорнига сув киритиб юборса ҳам.

16. Аёл киши хизматга ярамай қоламан, деб таом еса ҳам.

17. Биров эсида йўқ ҳолда таом еган ёки жинсий яқинлик қилган бўлса, рўзаси очилмайди. Аммо ҳукми билмай, бўлар иш бўлди, деб кейин яна таом еса ёки жинсий яқинлик қилса, қазо рўза тутиб бериши лозим бўлади.

18. Биров кечаси рўза тутишни ният қилмади. Кундузи ният қилди. Кейин «Бу ниятим тўғри бўлмаса керак», деган шубҳа билан таом еса, рўзаси очилади ва қазо тутиши вожиб бўлади.

19. Биров «Ҳали тонг отмаган бўлса керак», деб еб-ичди ёки жинсий яқинлик қилди. Кейин билса, тонг отиб бўлган экан. Рўзасининг қазосини тутати.

20. Биров «Қуёш ботган бўлса керак», деб еб-ичди ёки жинсий яқинлик қилди. Кейин билса, қуёш ботмаган экан. Рўзасининг қазосини тутати.

21. Биров таом еб ёки жинсий яқинлик қилиб турганда тонг отиб қолди. Дарҳол қилаётган ишини тўхтатса, рўзаси тўғри бўлаверади.

22. Шахватини тўлиқ бўлмаган ҳолда қондирса ҳам фақат қазо тутати.

23. Қучоқлаш, ўпиш ва шунга ўхшаш ишлар туфайли манийси тўкилса, қазо тутати.

24. Ухлаб ётган аёлга жинсий яқинлик қилинса, ўша аёл ҳам қазо тутати.

25. Аёл киши фаржига мой ёки шунга ўхшаш нарсаларни томизса.

26. Рўзадор шахс орқасига сув ёки мой билан ҳўлланган панжасини киритса.

27. Рўзадор шахс орқасига пахта, латта ва шунга ўхшаш нарсаларни киритса.

28. Аёл киши ички фаржига сув ёки мой билан ҳўлланган панжасини ёки пахта, латта ва шунга ўхшаш нарсаларни киритса.

29. Рамазон рўзасидан бошқа рўзаларни очган бўлса, фақат қазо тутиш вожиб бўлади. Каффорот вожиб бўлмайди.

### ***Рўзани бузмайдиган нарсалар:***

1. Рўзадорлиги эсидан чиқиб еб-ичиб ёки жинсий яқинлик қилиб қўйса, рўзаси очилмайди. Аммо эсига тушиши билан дарҳол мазкур ишларни тўхтатиши шарт. Жинсий яқинлик қилаётган киши рўзадорлигини эслаши билан ўзини тортиши керак. Агар ундан кейин ҳам туриб қолса, рўзаси бузилади.

2. Назар солгани ёки ўйлагани оқибатида манийси тўкилса, ўзи гуноҳкор бўлса ҳам, рўзаси очилмайди. Кундуз куни эҳтилом бўлиб қолса ҳам рўзаси очилмайди.

3. Кўзига дори томизса ёки сурма қўйса ҳам рўзаси очилмайди.

4. Қон олдирса ҳам рўзаси очилмайди.

5. Мисвок қилса ҳам рўзаси очилмайди.

6. Муболағасиз оғиз-бурунни чайса ҳам рўза очилмайди.

7. Ғусл қилса ёки салқинлаш учун ҳўл латтага ўранса ҳам рўзаси очилмайди.

8. Ғийбат қилса ёки оғзини очишни ният қилса ҳам рўзаси очилмайди.

9. Рўзадорнинг ичига унинг ихтиёрисиз тутун, чангу ғубор ёки пашша кирса ҳам рўзаси очилмайди. Аммо рўзадорлигини эслаб туриб, хушбўй нарсани тутатиб ҳидласа, рўзаси очилади.

10. Тиш олдириб, қон ёки дорини ютмаган бўлса ҳам рўзаси очилмайди.

11. Эркак кишининг жинсий аъзосидан сув, мой ёки дори киритилса, рўзаси очилмайди. Қулоқдан сув кирса ҳам, кулоқни қовласа ҳам рўзаси очилмайди. Аммо бу каби ишларни қилмаган маъкул.

12. Балғам ёки мишиқнинг кириши ёки чиқиши билан ҳам рўза очилмайди.

13. Ўз ихтиёридан ташқари ҳолда мажбур бўлиб қусса ҳам рўзаси очилмайди.

14. Тишлари орасида қолган нўхатдан кичик нарсани еса ҳам рўзаси очилмайди.

15. Жунуб ҳолида юриши ила ҳам рўзаси очилмайди.

16. Мушакка, тери остига укол қилиш билан ҳам рўзаси очилмайди.

***«Кифоя» китобидан олинди.***

Аллоҳ таоло Куръони Каримда:

«(Ер) юзида барча жонзот фонийдир. Улуғлик ва икром эгаси Роббингнинг Ўзигина боқийдир», дея марҳамат қилади (*Роҳман, 26-27*). Дарҳақиқат, ер юзида хоҳ тирик жон бўлсин, хоҳ бирор жисм ёки мавжудот бўлсин, абадий эмас. Ҳар бир яратилган нарсанинг охири бор. Ҳатто темир ҳам эскиради, занглайди. Аллоҳ таолонинг гўзал ва ақлли қилиб яратилган махлуқотларидан бўлган инсон бу ҳақиқатни англаб етиши ва тириклик чоғидаёқ охират тадоригини кўрмоғи лозимдир. Ўлим инсонга ўзи кутмаган дақиқаларда келиб қолиши мумкин. Аллоҳнинг амрларига итоат қилмайдиган, исёнкор инсон учун бундай ўлим ёмон хотимадир. Ибодатда бўлган, Аллоҳнинг буйруқларига сўзсизитоат қилиб келаётган мусулмон банд учун бундай ўлим жаннат йўллари сари қўйилган илк қадам бўлиши мумкин. Биз охиратга тайёрми? Бу Рамазон балки, биз учун охирги Рамазондир...

Мағфиратвараҳмат-лар оий бўлган Рамазон оий кириб келди. Ким бу ойдан ғафлатда қолди-ю, кимлардир интиклик билан кутиб, Рамазон ойини очиқ чехра билан қарши олди. Азиз биродарим, сиз бу ойда нималарни режалаштирдигиз? Жаннат дарвозалари очиқ бўлган бу ойда жаннат эшиги томон юрмоққа ҳозирмисиз? Ундай бўлса, гўзал амаллар томон шошилинг. Кечалари таҳажжуд намозларида қоим бўлинг, кундузлари муҳтожларга хайр-эҳсон қилинг. Куръонни кўпроқ ўқинг, одамларга ширинсўз бўлинг. Чунки бу ойда қилаётган ҳар бир солиҳ амалларингиз зиёдаси билан амал дафтарларингизга битиб қўйилади. Азиз биродарим, бу ой охират сафари учун зоди-роҳила ғамлайдиган ойдир. Зеро, энг яхши зоди-роҳила тақводир. Тақводорлар сафида бўлиб вафот этиш энг гўзал саодатдир. Чунки Аллоҳ таоло тақводорлар учун жаннат неъматларини ҳозирлагандир.

Азиз биродарим, мен сизга бир ҳадисни ҳавола этаман.

*Муъоз ибн Жабал розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

«Расулulloҳ соллalloху алайҳи васаллам билан сафарга чиққан эдим. Кетиб бораётганимизда у зотга яқинлашиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, менга мени жаннатга киритадиган ва дўзахдан узоқлаштирадиган амалнинг хабарини беринг», дедим.

«Батаҳқиқ, буюк нарсани сўрадинг. Зотан, у Аллоҳ муяссар қилган кимса учун жуда ҳам осондир. Аллоҳга ибодат қиласан. Унга ҳеч нарсани

ширк келтирмайсан ҳамда намозни қоим қиласан. Закотни адо қиласан. Рамазон(рўзаси)ни тутасан. Байтни ҳаж қиласан, – дедилар. Сўнгра: – Сени яхшилик эшикларига далолат қилиб қўяйми? Рўза сақловчидир. Садақа худди сув оловни ўчиргандек, хатоларни ўчиради. Кишининг кечаси ўқиган намози солиҳларнинг шиоридир, – дедилар ва «Ёнбошлари ётар жойларида жафода бўлурлар» оятини тиловат қилдилар. Сўнгра эса: – Сенга ишнинг боши, умуртқа поғонаси ва ўрқачининг чўққиси ҳақида хабар берайми?» дедилар.

«Оре, эй Аллоҳнинг Расули», дедим.

«Ишнинг боши Исломдир. Унинг умуртқа поғонаси намоздир. Ўрқачнинг чўққиси эса жиҳоддир, – дедилар. Сўнгра эса: – Сенга ўшаларнинг ҳаммасига молик бўлган нарсанинг хабарини берайми?» дедилар. Мен:

«Оре, эй Аллоҳнинг Набийиси», дедим.

Шунда у зот тилларини тутдилар ва:

«Мана буни тийгин!» дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Набийиси, биз гапирган нарсамиз учун албатта (иқобга) олинамизми?» дедим.

«Онанг азангни тутсин, эй Муъоз. Одамларни уларнинг тилларининг маҳсули дўзахга юзтубан (ёки тумшуклари ила) туширмаса, нима туширар эди?!» дедилар.»

*Термизий ривоят қилган.*

Рўза охиратга тайёргарликдир. Инсоннинг ҳамма амаллари ўзи учундир, фақатгина Рамазон рўзаси Аллоҳ учундир. Чунки қолган ибодатларни ўзга кимсалар билишлари, кўришлари мумкин. Аммо рўзадорларнинг рўзасини пайқаш қийин. Шунинг учун ёлғиз Аллоҳ учун бўлган ибодатнинг ажрини Аллоҳ таолонинг Ўзи беради.

*Саҳл розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллalloху алайҳи васаллам: «Жаннатнинг бир эшиги бўлиб, Райён деб номланур. Қиёмат куни рўзадорлар ундан кирурлар, улардан бошқа бирортаси кирмас. «Рўзадор қаерда?» дейилади. Улар ундан кирурлар. Қачон уларнинг охиргиси кирса, у бекитилур. Ундан бошқа ҳеч ким кирмас», дедилар»

*Насайий ривоят қилган.*

Аллоҳим, қиёмат куни ҳамма жаннатга тезроқ киришга интилиб турган вақтда жаннатнинг «Райён» номли эшигидан кириш бахтига барчамизни муяссар қилгин. Омин!

*Дилором тайёрлаган.*

# РАМАЗОНДА ОХИРАТ ҒАМИ

**Рўзадор киши атир сепса**

**Савол:** Рўзадор киши атир ишлатса, яъни сепса ёки суртса бўладими? Мисвок ёки тиш пастаси ишлатса-чи?



**Жавоб:** Рўзадор-лигини эслаб туриб, хушбўй нарсани тутатиб, хидласа, рўзаси очилади. Атир ишлатиш рўзани очмаса-да, ундан сақланган яхши. Рўзадор мисвок ишлатса бўлади. Аммо пешиндан кейин ишлатмаган яхши. Мисвок ишлатиш

ва сурма қўйиш макруҳ эмас.

*Омир ибн Рабийъа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рўзадор ҳолларида мисвок қилаётганларини санаб саноғига, ҳисоблаб ҳисобига ета олмайдиган даражада кўп кўрганман».

*Абу Довуд, Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.*

Рўза тутган одам мисвок қилиши яхши эканлигини жумҳур уламоларимиз таъкидлашган. Шу билан бирга, баъзи уламолар рўзадорнинг оғзидан чиқадиган хид Аллоҳнинг ҳузурда мушки анбарнинг хидидан афзаллиги ҳақидаги ҳадиси шарифнинг эътиборидан, «Завол вақтидан кейин мисвок қилмаган яхши», дейишади. Чунки рўзадорнинг оғзидан ўша хид завол вақтидан кейин чиқа бошлайди. Тиш пастаси ҳам шунга ўхшаш.

*Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Кўзим оғриб қолди, рўзадор ҳолимда сурма қўяверайми?» деди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳа», дедилар».

*Термизий ривоят қилган.*

**Рўзадор одам чўмилса**

**Савол:** Рўзадор одам чўмилса ёки ғусл вожиб бўлиб қолиб чўмилса, рўзаси очиладими?

**Жавоб:** Рўзадор одам сувга кўмилиб чўмилса, рўзаси очилади. Бу ҳукми билмай, чўмилиб қўйган одам кейин бир кун қазо рўза тутиб беради. Рўзадор одам тушида булғаниб, жунуб бўлиб қолса, рўзаси бузилмайди, устидан сув қуйиб ғусл қилиб олиши мумкин. Фақат оғзи ва бурнини ювишда ичкарига сув кетадиган даражада қаттиқ чайилмайди.

**Ҳомиладор аёлнинг рўзаси**

**Савол:** Аёлим ҳозирги даврда беш ойлик ҳомиладор, унга рўза тутиш фарзми?

**Жавоб:** Аёл кишининг ўзига ва ҳомиласига зарар етиш хавфи бўлса, рўза тутмайди, кейин



казосини тутиб беради. Бу ерда ҳукм аёлнинг ва ҳомиланинг ҳолатига қараб белгиланади. Ҳомиланинг неча ойлик бўлганига кўра эмас.

**Саҳарликдан ухлаб қолса**

**Жавоб:** Бу мутлоқо нотўғри. Саҳарликда ухлаб қолган одам қачон уйғонишидан қатъи



назар, рўзани ният қилиб тутаверади. Фақат уйғонгач, бирор нарса еб қўймаслиги керак.

### Аёл кишининг тилла ва қумуш тақинчоқлари закоти

**Савол:** Аёл киши тилла ва қумуш тақинчоқларидан закот чиқа-радими?

**Жавоб:** Ҳанафий мазҳа-би уламолари: «Аёлларнинг тақинчоқларидан закот чиқарилади»,



дейишган. Улар бу ҳақда келган ҳадисларни далил қилиб, сўнгра ақлий-мантиқий далилларни ҳам келтиришган.

Улар: «Тақинчоқлар нақд пул учун кўзланган маъданлардан, қумуш ва тилладан ясалади, бу

маъданлардан доимо закот чиқариб келинган ва келинмоқда. Шунга кўра улардан тақинчоқ бўлганда ҳам закот чиқарилиши керак», дейдилар.

Эслатиб ўтиш керакки, закот нисоб миқдоридан ортиқ, яъни саксон беш граммдан ортиқ бўлган тақинчоқлардан чиқарилади.

Демак, ҳанафий мазҳабига амал қиладиган аёллар, агар ўзларининг тилла тақинчоқлари 85 граммдан ортиқ бўлса, қумуш тақинчоқлари 595 граммдан ортиқ бўлса, улардан закот берадилар. Бунда улар тақинчоқлар қийматининг икки ярим фоизини чиқарадилар.

Ҳар хил қимматбаҳо кўзлардан закот чиқарилмайди.

### Бенамоз кишига закот бериш

**Савол:** Намоз ўқимайдиган кишига закот бериладими?

**Жавоб:** Закот беришда намозхон киши устун кўрилади. Бенамозга бериш зарур бўлса, намоз ўқиши шарти ила берилади.

*«Зикр аҳлидан сўранг» китобидан.*



# ЗАЙНАБ БИНТИ ЖАҲШ РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲО

Шижоатли, ёш, кўп рўза тутадиган, ибодатда қоим, соф дилли, художўй, олийжаноб – Жаҳш қизи Зайнаб Асад қабиласидан эди. Оталари – Жаҳш ибн Риёб ибн Ямар ибн Сабра ибн Мурра ибн Асад ибн Хузайма. Оналари – Умайма бинти Абдулмуттолиб ибн Ҳошим, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аммаллари.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга турмушга чиққунларига қадар уларни Барра деб аташарди, лекин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига Зайнаб деб исм кўйдилар. Зайнаб онамизнинг кунялари Умму Ҳакам бўлган. Зайнаб бинти Жаҳш розияллоҳу анҳо Маккаи Мукаррамада ҳижратдан 30 йил аввал туғилдилар. Аллоҳ таоло у кишини бойлик, насаб неъматидан билан неъматлантирди, Зайнаб бинти Жаҳш қурайшликлар авлодидан, Маккада таниқли аёллардан эди.

Амакилари Хамза – Аллоҳнинг шери, Аббос – химоячи, Абдуллоҳ ибн Жаҳш – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жангчиларидан, Абд ибн ал-Ама – Ислонни биринчи қабул қилганлардан, муҳожир, шоир, Бадр жанги қатнашчиси.

Холалари тарафидан Сафия ал-Ҳошимий, Абдулмуттолибнинг қизи, Хамзанинг опаси, саҳоба Зубайр ибнул Аввом Асаднинг онаси, муҳожирлардан.

Жаҳш қизи Зайнаб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан қариндош бўлганлар. Зайнаб розияллоҳу анҳо ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам битта бобонинг, ўз даврида Қурайш қабиласининг оқсоқоли Абдулмуттолиб-

нинг набираларидир.

Зайнаб розияллоҳу анҳонинг қалблари Ислон учун кенг очилди. Зайнаб бинти Жаҳш Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилдилар. У ерда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига Зайдга турмушга чиқишни таклиф қилдилар.

*Ал-Авфий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қилади:*

«Ҳеч бир мўмин эркак ва ҳеч бир мўмина аёл учун...» ояти Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳу учун совчиликка борганларида нозил бўлган. У зот Зайнаб бинти Жаҳш ал-Асадиянинг олдиларига кириб, розилигини сўрадилар. У (Зайнаб):

«Мен унга тегмайман», деди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Хўп дегин, унинг никоҳига кўнавер», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, менга ўз нафсимга ҳам амр қилинадими?!» деди у.

Икковлари гаплашиб туришганида Аллоҳ таоло «Ҳеч бир мўмин ва мўмина учун Аллоҳ ва Унинг Расули бир ишга ҳукм қилганида,



ўзишларини ўзларича ихтиёр қилмоқ йўқ. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига осий бўлса, бас, батаҳқиқ, очиқ адашиш-ла адашибди», оятини нозил қилди».

Зайнаб розияллоху анҳо Аллоҳ ва Унинг Расулининг ҳукмига рози бўлдилар. Шундай қилиб, ўша даврдаги табақаланишга қарамай, Зайд розияллоху анҳу билан Зайнаб розияллоху анҳолар турмуш курдилар. Маълумки, барчамиз бир ота ва бир онанинг фарзандларимиз, Аллоҳ таолонинг олдида ҳамма баробар, бир-биримиздан Аллоҳнинг ҳузурида ақлимиз, бойлигимиз, гўзаллигимиз, насабимиз, ирқимиз, оқ ёки қора танли эканимизга қараб эмас, балки тақводорлигимизга қараб табақаланишимиз мумкин. Ҳаётда ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ, табиатда барча нарса тартибли, қайси бир юкори ташкилот оддий (элементар) нарсаларни ва одатий ҳодисаларни назорат қила олади?! Барчаси Аллоҳнинг иродаси билан намоён бўлади. Шунинг учун бу никоҳ бўлиши керак эди.

Биламизки, Зайд розияллоху анҳу Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳивасалламнинг боқиб олган ўғиллари эди. То «Барча ўз отасининг исми билан чақирилсин», деган амр келмагунича одамлар «Зайд Муҳаммаднинг ўғли», дейишар эди. Шунинг учунми, Зайнаб розияллоху анҳо Зайд розияллоху анҳуни қалбларидан севмадилар. Уларнинг тақдирларида турмушда масъуд бўлиш, оилавий бахтга эришиш ёзилмаган эди. Зайд хотинидан норози бўлиб, бир неча марта Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳивасалламга шикоят қилди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳивасаллам унга насиҳат қилиб, сабр этишга чақирдилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳивасаллам ўзлари боғлаган бу никоҳ агар муваффақиятсизликка учраса, бу ҳақда албатта миш-миш гап чиқишидан андишада эдилар. Лекин у зот соллаллоху алайҳивасаллам бу никоҳ узоққа бормаслигини ва никоҳ бузилгандан сўнг, тутинган ўғил туғишган ўғилдек бўлолмаслигини бекор қилиш учун Зайнабга уйланишларини сезар, аммо бу ниятларини ҳеч кимга ошкор қилмасдилар, чунки Ислом душманлари «Пайғамбар ўз ўғлининг хотинига уйланди», дейишларидан хавфсирар эдилар. Шунда қуйидаги оят нозил бўлди:

وَإِذْ تَقُولُ لِلَّذِي أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِ وَأَنْعَمْتَ عَلَيْهِ أَمْسِكْ عَلَيْكَ زَوْجَكَ وَاتَّقِ اللَّهَ وَتُخْفِي فِي نَفْسِكَ مَا اللَّهُ مُبْدِيهِ وَتَخْشَى النَّاسَ وَاللَّهُ أَحَقُّ أَنْ تَخْشَاهُ فَلَمَّا قَضَى زَيْدٌ مِنْهَا وَطَرًا زَوَّجْنَاكَهَا لِكَيْ لَا يَكُونَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ حَرَجٌ فِي أَزْوَاجِ أَدْعِيَائِهِمْ إِذَا قَضَوْا مِنْهُنَّ وَطَرًا وَكَانَ أَمْرُ اللَّهِ مَفْعُولًا ﴿٣٧﴾

«Эсла, Аллоҳ неъматлантирган ва сен ҳам неъматлантирган шахсга: «Жуфтингни ўзинг ила тутиб тур ва Аллоҳга тақво қил», – дер эдинг. Ваичингда Аллоҳ ошкор қилувчи бўлган нарсани махфий тутардинг ва одамлардан кўрқардинг, холбуки, Аллоҳдан кўрқмоғинг ҳақлироқ эди. Қачонки Зайд ундан ўз хожатини адо этгач, сени унга уйлантирдик. Токи, мўминларга асранди болаларининг хотинларида, улардан хожатларини адо қилишгач, танглик бўлмасин деб. Ва Аллоҳнинг амри бўлажакдир» (Аҳзоб сураси, 37-оят).

Шундай қилиб, бўлиши керак бўлган нарса содир бўлди. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳивасаллам ҳеч қандай тангликсиз дархол Аллоҳнинг амрини бажардилар. Ислом «асранди фарзанд туғишган фарзанддек бўла олмаслигини» шу билан намоён қилди.

Зайнаб розияллоху анҳонинг иддалари тугаганидан сўнг Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳивасаллам Зайд розияллоху анҳуга совчи бўлиб боришларини илтимос қилдилар. Зайд итоат этди.

Зайнаб: «Токи Аллоҳ таолонинг ўзи буюрмагунича, мен ҳеч нарса қилмайман», дедилар ва хайрлисини беришини сўраб, Аллоҳга ибодат қилдилар. Истихора намозига жавобан юқоридаги оят нозил бўлди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳивасаллам рухсатсиз Зайнабнинг олдида кирдилар, чунки Аллоҳ таолонинг ўзи уларни гувоҳларсиз никоҳлаб қўйган эди. Бу эса Зайнаб онамизнинг бошқа оналаримиз олдида фахрлиниб: «Сизларни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳивасалламга ота-онангиз, қариндош-уруғларингиз никоҳлаб

берган бўлса, мени Аллоҳ таолонинг Ўзи етти кават осмон устидан туриб, никоҳлаб берган», деб юришларига сабаб бўлди.

Зайнаб онамиз ўта итоаткорликлари билан ажралиб турардилар. Барча инсонлар тенглигини кўрсатиш учун аввал қулга турмушга чиқдилар. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжалари бўлдилар. Бу никоҳ эса асранди ўғил туғишган ўғилдек бўлиши удумини йўққа чиқарди.

Уларнинг никоҳ тўйларида саҳобия Умму Сулайм розияллоҳу анҳо таом ҳозирладилар. Бу таом озлигига қарамай, барчага етди, баракали бўлди. Зайнаб онамиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг барча кўрсатмаларига амал қилдилар, сабрли бўлдилар ва кўп эҳсон қилдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни уларни бошқа оналаримиз олдида мақтаб шундай дедилар:

**«Менинг ортимдан қўли энг узун аёлим биринчи кетади».**

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўнг биринчи бўлиб Зайнаб онамиз вафот этдилар. Шунда Зайнаб онамизнинг қўллари моҳир экани маълум бўлди. Улар тери ошлар, тикар ва Аллоҳнинг йўлида кўп эҳсон қилар эдилар.

Зайнаб онамиз машҳур «ифк» (туҳмат) ходисасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамиз розияллоҳу анҳо ҳақларида сўраганларида ҳақ гапни айтганлар. Албатта, бундай иш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди. Уларнинг фазллари ҳақида Оиша онамиз қуйидагиларни айтадилар:

«Мен ҳеч ҳам Зайнабдан кўра динда яхшироқ, Аллоҳга тақволироқ, гапида ростгўйроқ, қариндошларига кўп яхшилик қиладиганроқ, кўп садақа қиладиганроқ ва садақа қилиш учун кўп тер тўкиб меҳнат қиладиганроқ аёлни кўрмадим».

Умму Салама онамиз эса Зайнаб онамизни эслаб қуйидагиларни айтганлар:

«УРасулуллоҳсоллаллоҳуалайҳивасалламга ёқар эди. У зот унинг олдида кўп қолар эдилар. У солиҳа, кўп рўза тутувчи, тунларини бедор ўтказадиган, ҳунарманд ва ундан топганининг ҳаммасини мискинларга садақа қиладиган аёл эди».

Зайнаб онамиз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Тоиф, Хайбар ғазотларида иштирок этдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам билан видолашув ҳажида бирга бўлдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам видолашув ҳажида аёлларига:

«Мана шу бўйраларнинг зоҳир бўлишидир», дедилар. Шундан сўнг Зайнаб бинти Жаҳш онамиз видолашув ҳажидан кейин умрларининг охиригача ҳаж қилмадилар.

Хижрий йигирманчи санада Зайнаб онамиз «Мен ўз кафанимни тайёрлаб қўйдим. Агар Умар менга кафан юборса, иккисидан бирини садақа қилиб юборинглар. Менинг ҳаққим бўлган нарсаларни садақа қилиш имконини топсангиз, шундай қилинг», деб васият қилдилар.

Зайнаб онамиз хижрий йигирманчи санада, 53 ёшларида бу фоний дунёни тарк қилдилар. У кишининг жанозаларини Умар разияллоҳу анҳу ўқидилар, мадиналиклар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўнг биринчи вафот этган онамизни охириги йўлга кузатдилар.

Аллоҳ таоло кўп рўза тутувчи ва кўп садақа қилувчи онамиз – Зайнаб бинти Жаҳш розияллоҳу анҳодан рози бўлсин.



# МУТАХАССИСЛАРНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА...

Мутахассисларнинг таъкидлашича, кўп таом тановул қилиш сени рўзанинг фойдаларидан маҳрум қилади.

Муборак Рамазон ойида таомларнинг тури кўпаяди. Дастурхонларимиз ширин ва тотли бўлган нарсалар ила тўлади. Ушбу хилма-хиллик натижа-сида баъзи кишилар таом тановул қилишни кўпайтириб юбордилар. Рўза пайтида таом тановулини кўпайтириб юбориш кишини кўпгина муаммоларга дучор қилади. Шунингдек, кўп таомланиш рўзанинг фойдаларидан манфаат олишга тўсик бўлади.

Рўза тутишнинг саломатлик учун кўпгина фойдалари борлигини яхши биламиз. У жисми бир қанча касалликлардан ҳимоя қилишни ҳам биламиз. Батаҳқиқ, янги илмий ва тиббий изланишлар жисмда йиллар, ойлар бўйи йиғилган ёғ миқдорининг кўпайиши туфайли босими ошадиган кондаги холестериннинг миқдори тушишида рўзанинг катта фойдаси борлигини таъкидлайди. Рамазон ойи давомида жисм ундан халос бўла бошлайди. Афсуски, киши тановул қилинадиган таом миқдорини ошириб юбориши сабабли ўрта меъёр ила амалга ошадиган рўзанинг фойдасини йўқотади.

Ифторлик ва сахарлик чоғида бир неча хил таомни тановул қилиш оқибатида вазннинг ошишидан четланиш учун мутахассислар овқатланишда қуйидагиларга амал қилишни тавсия қилдилар:

### Ифторлик

Ифторлик ҳазм бўлиши ва сўрилиб кетиши осон бўлган емаклардан таркиб топган, тўйиш ҳиссини берадиган, кам калорияли, юқори озуқа сифмига эга бўлиши керак. Мувозанатли озуқа унсурларининг кўпидан таркиб топиши лозим. Масалан, кичик косада ёғсиз шўрва, салат, сабзавотлар, қайнатилган гўшт ва ширинлик. Ифторликни тўртлик шаклида тартибдаб, макбул ҳолда дастурхонга қўйилади. Мана шу таомлар рўйхати вазнингизнинг 6 кг.гача енгиллашишига ёрдам беради. Яна бу рўйхатга бир стакан сув ёки табиий шарбат ёки сут қўшиш мумкин.

### Сахарлик

Расулимиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам сахарлик қилишни тавсия қилганлар ва унга қизиқтирганлар. «Сахарлик қилинганлар, албатта, сахарлик қилишда барака бор», деганлар.

Бундай таомланишнинг саломатликка катта фойдалари бўлиб, рўзадор одамга наф келтиради ва кунини рўзадор ҳолатида ғайрат ҳамда ҳаётий куч билан ўтказишга ёрдам беради.

Сахарлик дастурхонида (свежий) салат, бир бўлак нон, ўртгача катталиқдаги ликопчада ловия, мева, бир стакан сутдан иборат бўлиши лозим.

Хушбичимлигингизни сақлаш учун тавсиялар:

- Ёғ ва ширинликларни тановул қилишни камайтириш, ундан тийилмаган ҳолда (свежий) салатга эътибор бериш;

- Сунъий ичимликларнинг истеъмолини камайтириш. Ўрнига сут ва табиий шарбат истеъ-мол қилиш;

- Таомни яхшилаб чайнаш. Ўта тўйиш даража-сига етиб бормаслик.

- Таом ейиш асносида сув ва суюқликларни ичмаслик.

- Ифтор ва сахарлик орасида таом тановул қил-маслик. Зарурат бўлганда истисно тариқасида еса бўлади.

Мутахассислар баъзи рўзадорларнинг Рамазон ойи давомида вазннинг ошишига олиб борадиган овқатланишдаги хатоларини таъкидлаганлар.

Ушбу хатолардан энг биринчиси – ифтор тао-мини ширин, тотли таомларни тановул қилишдан бошлаш ва кечаси билан хилма-хил овқатларни тановул қилишда бардавом бўлиш. Бу вазнга жуда таъсир қиладиган, ортиқча семизликка олиб бора-диган нарсадир.

Бунга ўхшаш таъсирли одатдан узоқлашиш учун намоз ва ибодат билан машғул бўлиш лозим. Шунингдек, тановул қилинган таомларни ҳазм қилишга ёрдам берадиган, кувватни, муҳим ва-зифаларни бажаришга бўлган қудратни муҳофаза қиладиган жисмоний машқларни мунтазам бажариш керак.

### Рўза кишини турли зарарлардан халос этади.

Рўзанинг киши организмга фойдалари ҳақида-ги янги тиббий таълим рўзанинг қариликни ортага суришини ва жисми заҳарлардан халос этишини ифода қилади. Унда рўза инсон жисмига етадиган заҳарларнинг 35 фоизидан халос бўлишига ёрдам беришига ишора қилинган. Заҳарлар одатда ёққа аралашган ва зотий бўлади. Ёғлар организмнинг маълум жойларида йиғилиш ва доимий ортиш си-фатига эга бўлади. Рўза ила жисм ёғларни ишла-тишга мажбур бўлади ва бу ёғлар ажралиб, улар-ни бадандан чиқариш осон бўлади. Мана шу ерда жисм ўзидаги глюкоза, ёғ каби йиғилган озуқа моддаларини ишлаштириш бошлайди ва қон айла-ниши яхшиланади. Рамазон ойи руҳий ва жисмо-ний сиҳатни тиклашга катта фурсат ҳисобланади.

Рўзанинг фойдалари кўп. Унинг саноғи йўқ. Ал-батта, у Рамазон ойи давомида организмнинг дам олиш вақтида ҳазм қилиш тизимининг ишлаши учун керак бўлган низомни қайтаришга ишлайди.

Шунингдек, рўза организмни семизликка олиб борадиган касалликлардан халос бўлишига ёрдам беради.

Шунингдек, турли сурункали касалликларда, жигар, буйрак хасталиқларида рўзанинг фойдаси жуда каттадир.

«Индуми» журналидан.

Одинахон Муҳаммад Юсуф таржумаси.

Рўза – рухий тарбия ва жисмоний ибодатдир. У инсоний инстинкт бўлиб, танани ҳар томонлама поклашга интилтирувчи воситадир. Ниа учун инсоният унга амал қилиб келмоқда? Чунки у кўнгилни мусаффо қилади, вужудни поклайди ва ақл ҳамда қалб кўзини равшанлаштиради.

Аллоҳ таоло Куръони Каримда шундай марҳамат қилади:

**«Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди... Ким яхшилиқни ўз ихтиёри ила қилса, бу ўзи учун яхшидир. Агар билсангиз, рўза тутмоғингиз сиз учун яхшидир»** (Бақара, 183-184 оятлар).

Инсоният тарихидан маълумки, қадимги мисрликлар ўз байрамларида очликка амал қилган эканлар. Уларнинг руҳоний ва қоҳинлари ҳар йили етти кундан то етти ҳафтагача очликда бўлганлар. Бир устозга шогирд тушишдан аввал одамлар 40 кун оч юриши керак бўлган.

Хитойликлар баъзи оддий кунларда ҳам, ташвишли кунларда ҳам ўзларини оч юришга мажбурлашган экан. Баъзи тибетликлар 24 соатлаб оч қолиб, саломатликка эришганлар.

Қадимги юнон аёллари уруш бошланишидан аввал бир неча кун кетма-кет очликда илтижо қилганлар. Римликлар ва италияликлар душман бостириб келаётганда ғалаба қозониш учун урушга оч ҳолда чиққанлар.

Яҳудийлар эса қайғули, машаққатли кунларда, вабо тарқалганда, шунингдек, қоҳинларда илҳом пайдо бўлганда рўза тутганлар. Яҳудийлар Мусо алайҳиссаломга эргашиб, йилда 40 кун рўза тутадилар. Бундан ташқари, Аллоҳнинг қаҳрига учрадимиқан, дея иккиланганларида ҳам рўза тутадилар. Шу билан гўё Аллоҳнинг марҳаматига эришганлар. Улар яна Қуддуси Шарифнинг вайрон этилганини хотирлаб, ҳар йили бир ҳафта рўза тутганлар. Тавротда еттинчи ойнинг ўнинчи куни ва саккизинчи ойнинг туккизинчи куни рўзадор бўладилар.

Масиҳийларнинг пайғамбари Ийсо алайҳиссалом ҳам пайғамбар бўлишларидан олдин йилда 40 кун рўза тутар эдилар.

Мусулмонларга рўза Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Мадинаи Мунавварага ҳижратларининг иккинчи йили фарз қилинган. У ҳар бир балоғатга етган, ақли расо ва эс-хуши жойида бўлган мусулмонга фарз ибодатдир.

Инсоният тарихида барча буюк диндорлар ҳам диний қувватни рўзадорликда олганлар. Уларнинг интеллектуал қобилиятлари, телепатиялари янада зиёдалашган. Албатта, мусулмоннинг рўзаси энг олий рўзадир. Чунки улар икки дунё саодатини истаб, Аллоҳ таолонинг розилигига эришиш мақсадида рўза тутадилар.

*Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу.*

## РЎЗАНИНГ ТАРИХИ



# ҲАЙИТ АРАФАСИДА

Улуғ ойда турибмиз. Рамазон ойи бир йилда бир келадиган, қалбларимизни ғуборлардан поклайдиган ойдир. Молиявий закотлар бўлгани каби, таннинг закоти – рўзадир. Рўза тутиш билан Аллоҳ таоло берган неъматлар шукронасини кўлимиздан келганича адо қиламиз. Қалбларимизда такводорларга хос хислатлар пайдо бўлади. Аллоҳ таоло айтади:

**«Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки, тақво қилсангиз»** (Бақара сураси, 183-184-оятлар).

Бу улуғ ой файзли, футухли кунлар ва тунлардан иборат, десак муболаға бўлмайди. Чунки бу ойда шундай бир кеча борки, униг фазилати минг кечадан афзалдир. Бу қадр кечасидир. Бу кеча Рамазон ойининг охириги ўн кунлигига яширинган. Ким уни топса, бас, у охираат неъматларини қўлга киритади, иншааллоҳ! Ким бу кечаларни қўлдан бой берса, яхшиликдан маҳрум бўлади. Опа-сингилларим, охириги ўн кунликда қоим бўлайлик. Баъзи опа-сингилларимиз Рамазон ойининг аввалида рўза тутсалар-да, охириги ўн кунликка бепарво бўлишади. Кўпчилик опа-сингилларимиз айни савоблар йиғиб олинадиган кунларда ҳайит тараддудига тушиб қолиб, пишир-куйдирни авжига чиқаришади. Пишириқларнинг эса сон-саногии йўқ. Бу исрофгарчиликдан бошқа нарса эмас. «Рамазон» номли сихатгоҳдан қалбларимиз, нафсларимиз ва

танларимизни поклаб, даволаниб чиқамиз-у, яна ўзимизни нафс балосига урамиз. Ортиқча ейиш ҳам исроф эмасми? Исрофнинг ҳамма кўриниши ҳам шариатда қораланади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Исроф қилувчилар шайтоннинг биродарларидир»**, дея умматларига танбех берганлар.

Опа-сингилларим! Бу кечалар ғаниматдир. Ҳайит байрами учун бир-икки таом ёки пиширик бўлса, кифоя қилади. Амаллар мавсуми Рамазон ва қадр кечаси йилда бир марта келади.

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

**«Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизга муборақ Рамазон ойи келди. Аллоҳ азза ва жалла сизга унинг рўзасини тутишни фарз қилди. Унда осмонларнинг эшиклари очилур. Унда жаҳаннамнинг эшиклари ёпилур. Унда ўзбошимча шайтонлар кишанланур. Унда Аллоҳнинг бир кечаси бўлиб, у минг кечадан яхшидир. Ким у кечанинг яхшилигидан маҳрум бўлса, батаҳқиқ, маҳрум бўлибди», дедилар».**

*Насаий ва Байҳақий ривоят қилишган).*

Ҳайит кунларига тўхталадиган бўлсак, бу Рамазонда савоблар булоғида чўмилиб, қалбларию, танларини поклаб чиққан мусулмонлар хурсандчилик қиладиган кунлардир. Чунки улар катта ажрларни қўлга киритдилар. Тунлари ибодатда, зикрда, кундузлари рўзадор бўлдилар. Савобларни амал дафтарларига муҳрладилар. Бу фойдалардан хурсанд бўлмасликнинг иложи йўқ. Рўза тутмаганлар-чи?

Рамазон кунларида оғизларию-нафсларини тиймаганлар-чи? Улар нимага эришдилар? Гуноҳгами? Унда нега хурсанд бўладилар? Ахир ҳайит ким учун? Келин-салому, байрам дастурхонларидан уларга нима хурсандчилик бор? Нафсни тўйдиришми? Рўзадорлар ўзларини гуноҳдан, кўзларини номаҳрамлардан, тилларини ёмон сўзлардан тийиб, бу кунларда Қуръон тиловати билан машғул бўлар эканлар, хурсанд бўлишга ҳақлидирлар. Ҳайит рўзадорлар байрамидир.

*Дилором тайёрлаган.*



# Фурсатни бои берманг

Икки йилча аввал кийим сотиб олиш учун «Отчопар» бозорига тушдик. Рамазон ойининг илк кунлари эди. Бозор одамлар билан гавжум. Расталар томон юриб борар эканмиз, Рамазон ойи бўлишига қарамасдан, одамларнинг ошхоналарни тўлдириб ўтирганига гувоҳ бўлдик. Бу улуғ ойнинг келгани-ю, кетганини сезмайдиган ғафлатдаги инсонларга қараб, Аллоҳга мени рўза тутадиганлардан, энг муҳими, иймонлилардан қилиб қўйганига чексиз ҳамдлар айтдим.

Одамларга ачиниб, ошхона олдида ўтиб борар эканмиз, ўтган-кетганни овқатланишга таклиф қилиб турадиганлардан бири ёнимизга югуриб келиб: «Келинлар, овқатланиб кетинлар», деб қолди. Бу таклифдан бир оз ранжиб: «Ҳозир Рамазон ойи-ку», дедим. Гапимдан кейин узр сўраб, сал нари кетар, деб ўйлаган эдим. Тезда жавобини ҳам олдим: «Мана, рўза бўлса ҳам ҳамма овқатланипти-ку!» деди. Ма рв юрагимга ўқдек санчилди. Ошхона хизматчиси мени ранжитган бўлса-да, унинг гапидан бир дунё ҳақиқатни топдим. «Ҳикмат излаганга хикматдир дунё...» деб бежиз айтилмаган экан-да. Бу ачиқ ҳақиқат шу эдики, атрофга бир назар ташлашнинг ўзи кифоя эди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «**Бурни ерга ишқалсин (хор бўлсин), шундай кишинингки, унинг ҳузурда менинг номим зикр қилинганда менга салават айтмаса ва яна бурни ерга ишқалсин шундай кишинингки, ота-онаси ҳаёт бўла туриб, ҳақларини адо этмаса ва яна бурни ерга ишқалсин шундай кишинингки, Рамазон ойи келса-ю, Рамазон рўзасини тутмаса**» деган маънодаги сўзларни айтганлар.

Худди шу ошхоналарда овқатланиб турган ёши бир жойга бориб қолган, аммо Рамазон ойидан ғафлатда бўлган мўйсафидлар, музқаймоқ сотиладиган жойларда беш-олтита бўлиб тўпланиб олган «ҳижобли» аёл-қизларга кўзим тушди. Мен айнан нимага «ҳижобли» деган сўзга урғу бераётганим барчага маълум, чунки бундай пайтда биринчи бўлиб улар кўзга ташланадилар. Уларнинг кўз илғамас нуқсонли амаллари ҳам халқ кўзида «тоғдек» кўринади. Муслима аёлнинг ҳижоби – бу авратни беркитувчи оддий либос эмас, даъват ҳамдир, ўрнак ҳамдир.

Аёлларимиз «бигиз» қилиб кўрсатилаётган бармоқлар нишонига айланмаслик керак. Ибрат олишга арзигулик инсонлар аксини қилиб турган

бўлсалар, қолганларга яна нима дейишимиз мумкин?! Майли, улардан бири ё иккитаси узрли бўлишлари мумкин. Ҳаммалари барабарига узрли бўлмасалар керак!? Ваҳоланки, шундай бўлган тақдирда ҳам одамларга, рўзадорларга кўз-кўз қилиб таом ейиш жоизми? Йўқ, албатта! Мусулмон киши агар баъзи сабаблар туфайли рўза тутмаётган бўлса, одамларнинг кўзи тушмайдиган жойда овқатланиши лозим. Токи рўзадорлар малолланиб қолмасинлар. Минг истиҳола билан овқатланганда ҳам, дуо ила «Эй Аллоҳим, менинг ҳам мана шу дардимга шифо бер, мен ҳам рўзадорлардан бўлай, мен ҳам «Райён»



номли жаннатга эришай», деб сўралса, қандай гўзал бўлар эди. Ёки уларнинг «савоб халталари» тўлиб бўлганмикан? Рўзадорларнинг кўзи олдида овқатланиш ниҳоятда хунук иш ҳисобланади, ҳар бир мусулмон Рамазон ойининг хурматини жойига қўйиши керак.

Бир яҳудий Рамазон ойида кўчада овқатланиб юрган ёш болани кўриб қолиб: «Бу ой мусулмонларнинг рўза тутадиган ойи, бундай қилишнинг беодоблик бўлади», деб болага танбеҳ берганини кўпчилигимиз эшитганмиз. Аллоҳ таоло: «Инсоннинг ҳамма амаллари ўзи учун, илло, рўза Мен учундир, унинг мукофотини Ўзим берман», деб айтган. Аллоҳ таоло инсонга сабабсиз мукофот бермайди. Шунинг учун Рамазон ойи яқинлашган сари бу улуғ ой фазилатини қалбларига жо қилганлар хурсанд бўладилар.

Бу ой Аллоҳнинг раҳматига эришиладиган ойдир. Бу ой жаннат эшиклари очиладиган ойдир. Муслима опа-сингилларим, Аллоҳ барчамизни бу ойда раҳматига олиб, Ўз жаннатига мушарраф қилсин.

Мутахассислар болаларни рўза тутишга кичикликларидан одатлантиришни ва бу босқич-ма-босқич бўлишини тавсия қиладилар. Бола етти ёшда таом ва шаробдан уч соатга, асрдан то қуёш ботгунича ман қилинади. Бу ҳафтада икки марта амалга оширилади. У тўккиз ёшга етганида, тонгдан то асрнинг азониғача кун ора рўза тутиши мумкин. Ўн ёшли бола ҳафтада уч кун шомғача тўлиқ рўза тутишга ўргатилади. У келаси йили Рамазон ойининг рўзасини тўлиқ тутишга кодир бўлади.

Мутахассислар болага ифторликни тезлатишни, саҳарликни кечиктиришни, суюкликларнинг тановулини кўпайтиришни, ифтор дастурхонида бир неча ликопча тақдим қилмасликни маслаҳат берадилар. Овқатни ҳазм қила олмаслик ва дангасалик ҳиссига дучор бўлмаслиги учун шундай йўл тугилади. Бола яхши билим олиши ва жисмига куч тўпланиши учун унинг ифторлигида

тайёрланган маҳсулотлар таркиби крахмал, шакар ва оксилга бой бўлиши керак. Оксил боланинг мушаклари бино бўлиши учун муҳимдир. Бу моддалар рўза вақтининг узунлигидан мушакларнинг бўшашиб кетишидан ҳимоя қилади. Бола таомида тўйдириб юбормайдиган ёғларни истеъмол қилиши яхши бўлади. Фарзандга ширинликларни ифторликни тановул қилганидан кейин, тўрт соатдан сўнг тақдим қилиш мумкин. Бола озгин бўлса, унга ёнғок кўшиш фойдалидир. Сабаби унинг таркибида кўп миқдорда оксил, туз ва витаминлар мавжуд. Саҳарлик дастурхонида тухум, ловия бўлса яхши. (Свежий) салатига икки қошиқ асал кўшиб берсангиз, жуда фойдалидир.

*«Индуми» журналидан  
Одинахон тайёрлаган.*

## БОЛАЛАРНИНГ РЎЗА ТУТИШИГА КЎРСАТМАЛАР



# САДОҚАТ ВА ВАФО

(Боши ўтган сонларда)

Болалар қария гапираётган бу икки улуғ кишилар орасидаги ушбу садақатнинг белгиларини билишни хоҳлар эдилар. У иккисидан бирлари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Оли байтларидан, бошқаси эса у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг катта саҳобаларидан эди.

Шунда Убайда:

«Бобо, бизга уларнинг дўстлиги ҳақида гапириб беринг», деди.

Қария Убайданинг хушёрлигидан, билишни хоҳлаган нарсасига интилиш ва савол сўрашдаги иштиёқидан хурсанд бўлди. Унга:

«Тўғри савол бердинг, Убайда. Сенга содда ва осон қилиб жавоб бераман, иншааллоҳ. У икки саҳоба ўта шижоатли ва ҳикматли, диннинг ҳимоясида салобатли эдилар. Ҳар қандай ишда бирга эдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларида ҳам, вафотларидан кейин ҳам. Умар ибн Ҳаттоб розияллоҳу анҳу одамларга имом бўлиб намоз ўқиб турганларида у кишини мажусий Абу Луълуъа ҳиёнат қилиб ўлдирган. Унинг қўлида шахид бўлганлар. Шунгача икковлари дўст бўлиб қолдилар. Шунда ҳазрати Умар маслаҳат қилиб, олти кишидан бирларини мусулмонларга халифа қилиб танлашни васият қилдилар. Али розияллоҳу анҳу улардан бири эдилар. Умарнинг вафотидан кейин Али у кишини фақат яхшилик ила эсга олар эдилар.

Оқсоқол бир оз сукут қилди, сўнг болалардан бирига ичиш учун бир оз сув келтиришини айтди. Шунда ҳамма болалар сув опкелиш учун югуриб кетишди. Али ҳаммадан биринчи бориб, сув олиб келди. Сувни ичиб бўлгач, оқсоқол Алига:

«Аллоҳ сенга жаннат сувидан ичирсин, эй Абу Ҳасан», деди. Шунда Али таажжубланиб:

«ма рв бошқа кунями?» деди. Шунда оқсоқол кулиб:

«Бу Али розияллоҳу анҳунинг иккинчи кунялари. У киши жаннат аҳлининг икки саййиди бўлган йигитларнинг отаси эканини билмасмидинг? Улар Ҳасан ва Ҳусайн розияллоҳу анҳумолардир!» деди. Али:

«Ҳа, биламан, бобожон, мени кечиринг. Гапингизга берилиб кетганимдан шошиб қолибман», деди.

Оқсоқол кулиб:

«Аллоҳ сенга гўзал мукофот берсин, болам. Мен анчадан бери бугунгидек кулмаган эдим», деди. Сўнг бошини баланд кўтарди. Қуёш нури унинг узун, қалин, оппоқ соқолига тушиб, оппоқ тилладек ялтираб кетди. Сўнгра:



«Эй йигитчалар, эшитинглар. Айниқса сен, эй Абу Ҳасан, Абу Туроб. Али розияллоҳу анҳу Фарук Умар ибн Ҳаттоб розияллоҳу анҳуга энг яқин одамлардан эдилар», деди. Шунда кичик Умар:

«Мени қизиқтириб қўйдингиз, бобо. Али билан Умар розияллоҳу анҳумо орасидаги дўстлик ҳақида кўпроқ гапириб беринг», деди.

Оқсоқол бошини тавозеъ ила эгди. Ҳаттоки жағи ҳасасига тегди. Соқоли қўлларининг четини ёпди. У қўллари билан ҳасасини ушлаб ўтирар, жағини қўлининг муштига қўйиб олган эди. Шу ҳолда сўзлай бошлади:

«У иккиси шижоат ва қаҳрамонлик рамзидир. Иккиси Ислондаги биродарлик шиоридир. Биринчиси – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиларининг ўғли, қарамли оилаларидандир. Иккинчиси – Оли байтнинг қудаси, яъни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам тарафларидан ва Али розияллоҳу анҳу тарафларидан. Умар Фарук ер юзидаги ма рва киши бўлган. Адолат ҳақида сўз кетса, албатта Умар тилга олинади. Умар ҳақида сўз кетса, адолат тилга олинади».

Шунда болаларнинг ҳаммалари беихтиёр: «Аллоҳим, Муҳаммадга, Оли Муҳаммадга салават айтгин, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг асҳобларидан рози бўлгин», дейишди.

Оқсоқол хурсанд бўлиб, қалбини розилик аломатлари эгаллаган ҳолда:

«Барақаллоҳ, болаларим», деди. Сўнг:

«Ушбу икки шайхнинг қалбларини муҳаббат боғлаб турарди», деди-да, ўйланиб, жим бўлиб қолди. Шунда Али:

«Бобо, Умар розияллоҳу анҳу Набий тарафларидан ва Али тарафидан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг

Оли байтларига қуда бўлганларини айтдингиз. Шу ҳақда айтиб беринг?» деди.

Оқсоқол жавоб берди:

«Ҳа, ўғлим, Умар ибн Хаттоб Али ибн Абу Толибнинг қизлари Умму Кулсумга уйланганлар. Ҳаммаларидан Аллоҳ рози бўлсин. Умму Кулсум Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг қизлари Фотиманинг қизларидир. Бу дегани, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Умму Кулсумнинг бобосидирлар. Бунда муқарраб кишиларгина етишадиган улуғ шараф бор. Буни бир-бирларини севганларгина қилиши мумкин. Киши қизини ўзи яхши кўрмаган, шубҳаланган кишига турмушга берадими? Ёки шундай кишининг қизига уйланадими?»

Шунда Муҳаммад:

«Бобо, бизни янаям қизиқтириб қўйдингиз. Бу қисса ҳақида айтиб беринг», деди.

Оқсоқол:

«Болаларим, бу оила куриш Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари ва у зотнинг пок оилалари орасидаги муҳаббатли алоқада ўзига хос ўрناق бўлган. Ҳаммаларидан Аллоҳ рози бўлсин. Набий соллalloҳу алайҳи васалламнинг оилалари ва карамли саҳобалар орасидаги, айниқса Али ва Умар орасидаги кучли боғланиш бу икковларининг орасидаги алоқанинг мустаҳкамлигига далилдир».

Қария гапдан бироз тўхтаб, сўнг давом этди:

«Умар Фаруқ Умму Кулсумни сўраб Абу Туроб розияллоҳу анҳуга совчиликка борганида, Фаруқдан бунинг сабаби сўралди. Шунда у киши: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг «Қиёмат куни менинг сабабим ва насабимдан бошқа ҳамма нарса узилади», деяётганларини эшитганман», деди».

Шу ерга етганда оқсоқолнинг овози титраб, гапиришдан тўхтади. Болалар унинг кўзидан ёш оқаётганини кўришди.

Бироздан сўнг қария гапида давом этди:

«Умар Алининг қизига совчилик қилганидан кейин муҳожир ва ансорларнинг олдига келиб, улардан уни табриклашларини сўради. Шунда улар:

«Сизни нима учун табриклайлик, эй мўминлар амири?» дедилар.

«Али ва Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг қизлари Фотиманинг қизи Умму Кулсум учун, – деди. Сўнг: – Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг «Қиёмат куни менинг сабабим ва насабимдан бошқа ҳамма нарса узилади», деяётганларини эшитганман», деди.

Болалар бу ажойиб қиссани жим бўлиб, жон қулоқлари билан тинглашар, худди бошларига қуш кўнгандек, сукут сақлаб ўтиришарди.

Бир лаҳза жимлик чўмди. Уни қушларнинг чирқиллаши ва дарахт шохларининг шитирлашидан бошқа нарса бузмади. Сўнгра оқсоқол сўзида давом этди:

«Умар розияллоҳу анҳунинг азми қарорлари шундай эди, Али қизини Умарга беришга қарор қилди. Шу билан Аллоҳ Умарни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг байт-

ларига янада яқин қилиб, икром этди. – Қария шиддатли хушў ила: – Умар нубувват хонадонига қудалик ва насабда зиёда бўлишни хоҳлади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам у кишининг қизлари Хафса бинти Умар розияллоҳу анҳого уйланган эдилар. Шу вақтнинг ўзида Умар Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг набираларига – Алининг қизи Умму Кулсумга умр йўлдош бўлдилар».

Шунда Али: «Аллоҳу Акбар!» деди.

Сухайб:

«Аллоҳ бу билан Умарни қанчалик икром қилди! Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Умар розияллоҳу анҳунинг қизининг умр йўлдошлари, Умар розияллоҳу анҳу эса у зот соллalloҳу алайҳи васалламнинг набираларига умр йўлдош!» деди.

Саъд кичқириб:

«Умарни нубувват хонадонига боғлаб турган алоқани қаранг!

Шунда оқсоқол гапга қўшилди:

«Ҳа, болаларим, тўғри айтяпсиз! Агар Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Умарда бирор хато ёки камчилик кўрганларида, унинг қудачилигини қабул қилмас эдилар. Шунингдек, Али ҳам. Умар билан нубувват хонадонини боғлаб турадиган бу ҳужжатдан кучлироқ ҳужжат борми?!»

Умар:

«Ростданам, бобо!» деди. Кетидан болалар:

«Ҳа, ростданам, бобо!» дейишди.

### Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Қария тилга олган икки улуғ кишилар қимлар?

- А) Фаруқ ма рва Абу Бакр.
- Б) Фаруқ ма рва Усмон ибн Аффон.
- В) Фаруқ ма рва Али ибн Абу Толиб.

2. (Абу Ҳасан) қим?

- А) Мусъаб ибн Умайр.
- Б) Али ибн Абу Толиб.
- В) Абдуллоҳ ибн Масъуд.

3. Жаннат аҳли йигитларининг икки саййиди қим?

- А) Аббоснинг ўғиллари Қусом ва Фазл.
- Б) Абу Бакрнинг ўғиллари Абдуллоҳ ва Абдурраҳмон.
- В) Али ибн Абу Толибнинг ўғиллари Ҳасан ва Ҳусайн.

4. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу уйланган ва унга уйланишдан фахрланган аёл қим?

- А) Умму Кулсум бинти Абу Бакр.
- Б) Умму Кулсум бинти Абу Толиб.
- В) Умму Кулсум бинти Уқба ибн Абу Муъайт.

«Мабарротул-Али вал-асҳабиҳи» муассасасининг  
«Қария ва дўстлар» журналичидан.  
Одинахон Муҳаммад Юсуф таржимаси.

# РЎЗАДОРЛАРНИНГ ОДОБЛАРИ

Рамазон муборак! Аллоҳ барча мусулмонларни бу шарафли ойнинг савобидан баҳраманд айлашига тилакдошмиз. Банданинг савоб тарозисида яхши хулқдан оғирроқ амал йўқдир. Унинг даражаси ҳатто намоз ва рўзанинг даражаси билан баробардир. Шунинг учун бизларга бундай хулқ ила хулқланишни Ўзи насиб айласин.

Рамазонда рўзадор бўлишимга қарамай, баъзи бировларнинг тарбиясидаги кемтикликларни ўзига тушунтириб, ўнгланиб олишига ёрдам бўлсин дея, уни тўғирлайман деб ўзим қийшайиб қолганимда мендан-да мазлум йўқдек туюлиб кетган. Шунда бир неча китобларни кетма-кет ўқиб, мендан нима айб ўтди экан, нега бунчалар дилим оғрияпти, деб излангандим. Интилганга толе ёр, ниҳоят қидирганимни топдим, гапни уққанга гапириш, албатта, сендан маслаҳат сўрасалар, маслаҳат бериш керак экан. Бу воқеа қачон ёдимга тушса, беихтиёр «Аллоҳим иккимизни ҳам мағфират айласин», дейман. Қуйидаги ҳадис қандай қилиб ёдимдан кўтарилган, билмайман, лекин аниқ биламанки, айб менда, чунки асабийлашганимдан, билган нарсамга амал қила олмаганман. Астағфируллоҳ, лекин ҳақлигимга қарамай, қариндошлик ҳурмати, силаи раҳм қилай, Аллоҳ бандаси рози бўлмагунча Ўзи рози бўлмас, дея айни Яратганининг розилигини истаб, биринчилардан бўлиб узр сўраганман. Тўғриси айтсам, бу жуда қийин, ўзингга кўшиб жигарларингни ҳам ёлғон ила ёмонлаб турган инсондан узр сўрагандан кўра, гапиришимга сабаб бўлган вазиятда жим ўтириб, инсоф сўраш осонроқдир.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Рўза фақатгина ейиш-ичишдан сақланиш билан эмас, балки беҳуда, бемаъни ва ёмон сўзлардан сақланиш биландир. Агар бирор киши

رُزَاةُ الصَّائِمِينَ

كَلَامُهُ وَتَوَكُّلُهُ

сени сўкса, сен унга: «Мен рўзадорман», деб узр айтгин», деганлар».

Яна бир ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким ёлғон гапиришни ва унга амал қилишни қўймаса, унинг таоми ва шаробини тарк қилишига Аллоҳнинг эҳтиёжи йўқ», дедилар.

Айтмоқчи бўлганим, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзлигимизни, кимлигимизни унутмайлик, тилимизга эътиборли бўлайлик, меҳрибонларим. Нафақат кимгадир айтадиган, балки фикр ва ўйларимиздаги гап-сўзларга ҳам фаросатга яраша ёндашайлик. Аввало аҳли байтимизга ширин сўзимизни аямайлик.

Рўза киши қалбининг покланишига, унинг руҳий юксалишига ва жисмоний соғлом бўлишига сабаб бўладиган ибодатдир. Бундан ташқари, ким Аллоҳ таолонинг амрига бўйсуниб, Унинг розилигини истаб рўза тутса, гуноҳлари ювилиб, жаннатга киришига сабаб бўлади.

Бундай муқаррам ойдан тўлалигича фойдаланиб қолишни истаб дуо қиламиз.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Ким Рамазон ойида иймон билан ва ажр умидида рўза тутса, унинг барча аввалги гуноҳлари мағфират этилади» (Бухорий ривоят қилган).

Бу ҳадисни ҳар сафар ўқиганимизда, эшитганимизда, Рамазонга бўлган иштиёқимиз, умидимиз ортаверади.

Яна бир ҳадисга диққатингизни жалб қилайлик.

Исломда ибодатларни қилишдан мақсад, уларнинг қуруқ суратлари ва шакллари юзага чиқариш эмас, балки улардан кўзланган ҳикмат ва маъноларни рўёбга чиқариш ҳамдир. Шунинг учун мўмин кишининг ўқиган намози то уни фахш ва мункар ишлардан қайтармас экан, унинг учун ўқиган намозидан ҳеч қандай манфаат йўқ. Худди шунингдек, рўзаси давомида ёлғон гапиришни тарк қилмаган киши учун тутган рўзаси бефойдадир. Риё учун, «сумъа» (одамлар эшитишлари) учун бажарилган ҳажнинг ва шу мақсадда берилган закотнинг қабул қилинмаслиги ҳам худди шунга ўхшайди.

Демак, муслима опа-сингиллар, бу ойда ҳулқимиздаги, гап сўзларимиздаги одатга айланиб қолган камчиликларга барҳам бериб, бутун диққат ва эътиборимизни ниятимиз ила ибодатга айланган амалларимизнинг сифатини оширишга қаратайлик ва шунга эришайлик.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Баъзи рўзадорлар борки, уларга рўзаси учун очликдан ўзга нарса бўлмас. Баъзи тунда бедор бўлган борки, уларга бедорлиги учун уйқусизликдан ўзга нарса бўлмас», дедилар».

Ўзга ибодатлардан фарқли равишда, рўзанинг савоби қанчалик зиёда бўлишини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди. Аллоҳ таоло айтади: «Одам боласининг ҳамма амали ўзи учундир. Фақат рўзаси Мен учун ва унинг мукофотини ҳам Ўзим бераман» (Ҳадиси кудсий).

Чунки рўза сабрнинг энг афзал кўринишидир. Аллоҳ таоло Куръони каримда марҳамат қилади:

«Албатта, сабр қилувчиларга ажрлари ҳисобсиз, тўлиқ берилур» (Зумар сураси, 10-оят).

Иншааллоҳ. Бизларни ҳидоятдан баҳраманд айлаётганига шукр. Сабрли бўлиш қандай катта бахт экан. Бу оятни ўқиган барча сабрли мўминабонуларга ажр-мукофотлар муборак бўлсин, дея бир китобда ўқиганим жумлаларга эътиборингизни қаратсам: «...Капалакмисан ёки пашша?» Бу саволни биринчи ўқиганимда «Шу ҳам саволми?» дея ажабланган эдим. Кейин унинг мағизини чақиб кўрдим: капалак ўзи гўзал ва гўзалликка интилади, уни кўрганда атрофдагиларнинг дили қувнайди. Пашшанинг эса ўзи ҳам, товуши ҳам ёқимсиз. Истаб, излагани чиқиндидир. Баъзан кимдандир ибрат олиш, тақлид қилиш ҳаммага ҳам ёқмайди. Лекин ҳеч бўлмасам атрофдаги махлуқотлардан ибрат олишга ҳаркат қилайлик. Зеро, инсон Аллоҳ таоло яратган махлуқотлар ичидаги яққою ягона онгли мавжудотдир.

*Одоби билан намунали бўлганларга яхшиликлар тилаб, дугонангиз Нозима.*



# РЎЗА, ОЧЛИК – БУЮК ИХТИРО

Рўзадан мақсад очлик эмас, балки Аллоҳнинг розилигидир. Аллоҳ – марҳамати кенг Зотдир. Роббимиз Унинг розилигини истаб, ҳар томонлама тўғри рўза тутганларга албатта Ўзининг чексиз мукофоти ва ажрини беради.

Биламизки, ҳозирга қадар жуда кўп ихтиролар қилинган. Улардан энг буюги – бу рационал очлик деб тан олинган. Чунки очлик ёрдамида инсонлар ўзларини маънан ва ақлан чарҳлар, жисмонан ва руҳан ёшартирар эканлар. Очлик даврида қон томирларидаги ва мускул(мушак)лардаги токсин (заҳарли моддалар) ва чиқиндилардан тана осонгина халос бўлади. Бир ҳафта мобайнида камида 24 соат, бир йилда эса 52 кун, ёки йилига ҳеч бўлмаганда 7-10 кунлик очлик бизнинг ниятимизга ярашасини беради.

Очлик даврида сиз оч қолаётганингиз ҳақида эмас, балки танангиз ва руҳиятингиз тозаланаётгани ҳақида ўйлаб кўринг. Замонамиз олимларининг очлик даврида қилиниши керак бўлган ишлар борасидаги маслаҳатларини ўрганар эканмиз, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нафақат Аллоҳнинг бизларга юборган элчиси, балки табиби ҳам эканликларига амин бўламиз.

Келинг, ўша маслаҳатлар билан сизларни ҳам таништирайлик:

Ҳар гал рўза тутганингизда, қаримайдиган, касаллик ва чарчоқлардан холи бўлган танани шакллантираётганингизни ёдда тутинг. Бу даврда ҳар қандай салбий ҳиссиётлар ва ўзингизга ачиниш туйғуларини ҳаёлингиздан чиқаринг. Ёдингизда бўлсин, ўзингиз

ҳақингизда гап кетганда: «Танам қарияпти», деманг, балки: «У юксалиб, мукаммаллашиб, тўйиниб бормоқда», денг. Яна «Мен чарчаяпман», эмас, балки «Улгурмаяпман», денг.

Нафс учун ёқимли бўлмаган очлик жараёни бизни кўпроқ хушнуд этиши учун қуйидаги аффирмация (яхши ниятлар) бизга қўл келади. Бу сўзларни ҳар куни такрорлаб туриш яхши самара беради.

1-аффирмация:

«Бугун мен ўз танамни унинг табиий даво кучига топширдим».

Биз мусулмонлар эса ички тозаллик ва покланишни Аллоҳга топширамиз, буни Аллоҳ учун қиламиз.

2-аффирмация:

«Очликнинг ҳар бир дақиқаси мобайнида танам ўзидан ҳавфли заҳарларни ва туриб қолган чиқинди моддаларни ҳайдаб чиқармоқда. Бу жараённинг ҳар бир дақиқаси ўтгани сайин мен соғломроқ ва бахтлироқ бўлиб бормоқдаман».

Бизлар эса шайтонга ҳайф бериб, нафсни жиловлаш ва руҳий камолотни истаб Аллоҳга қабул бўлувчи дуолар қиламиз.

3-аффирмация:

«Соат сайин танам ўзини ўзи янгиламоқда».

Ҳам руҳий, ҳам жисмоний янгилиниш, тозаланиш мобайнида мен Аллоҳга яқинлашиб бораман.

4-аффирмация:

«Очлик даврида мен инсониятнинг буюк устозлари неча асрлар давомида қўллаб келган жисмоний, руҳий ва ақлий покланиш услубидан фойдаланмоқдаман».

Биз мусулмонлар Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг кўрсатмаларига биноан саҳарлик ва ифторликка алоҳида эътибор берайлик: бирданига кўп ва тартибсиз еб-ичиб ва бундан фойда ўрнига зарар кўриб, рўзани мукамал адо этолмай қолишдан сақланайлик.

5-аффирмация:

«Бу даврда мен ўзимни ва нафсимни назорат қила оламан. Очлик ваҳимаси ва қўрқуви мени амалимдан тўхтата олмайди. Мен очликни муваффақиятли яқунлайман, зеро, мен ўз иродам кучига ишонаман».

Мусулмонлар эса ўзларини Аллоҳга топширадилар, Унга таваккул қиладилар ва албатта, шайтоннинг васвасасига қарши Аллоҳдан паноҳ сўрайдилар.

Рўза қачон даво бўлади? Қачонки оғиз очгандан сўнг дарров гўшт (балиқ), сут, пишлок, ёғ ва ёнғок каби турли маҳсулотлар истеъмол қилинмаса. Олимларнинг айтишларича, аввал бирор мева, ёғсиз сабзавот салати ёки қайнатилган сабзавотлар ейиш мумкин экан. Иккинчи марта овқатланганда эса гўштли таомларни тановул қилиш мумкин. Емагимизнинг камида 50 фоизи мева ва сабзавотлардан ташкил топиши, тухум ва турфа хил гўштлар ҳафтасига уч марта ейилиши керак.

Гельминтологларнинг (ички аъзолардаги паразитларни ўрганувчи мутахассис) айтишига қараганда, очликдан сўнг энг биринчи 10-40 дона майиз ейилса, ичак йўлларидаги паразитлар уларга ёпишар экан. Бунинг устидан бирор сурги, антигельминт гиёҳлар ичилса, самара беради. Овқатни оғиз очилган пайдан 30 дақиқа кейин озгина-ю созгина еган яхши экан.

Рўзанинг бошқа ибодатлардан афзаллиги шундаки, уни адо этаётганингиз бошқаларга кўринмайди. Буни қарангки, олимлар очликни ўзингиздан бошқаси билмагани маъқуллигини ҳам илмий асослаб беришибди. Рўзадор пайтингизда танадан заҳар ажралаётганида, вақтинчалик ноқулайликлар бўлиб туради. Тананинг очликдан қийналиши авжига чиққан даврда китоб ўқиш, телевизор кўриш ва радио эшитиш билан шуғулланмаган маъқул. Айниқса, салбий таассурот қолдирувчи суҳбатлардан узоқроқ бўлинг. Очлик сизнинг ўша кунги ўта шахсий сиригиз бўлса, сиз руҳан ва ақлан юксаласиз.

Шу ўринда эслаб қолинг, очлик давомида асабни толиқтирувчи барча юмуш ва нарсалардан сақланиш керак. Бунда куёш нурлари остида кўп юришдан ҳам сақланинг, зеро, у асабни толиқтиради. Тўлик бўшашиб дам олинг, сиз ибодат қилмоқдасиз – унинг қонун-қоидаларига риоя қилиш лозим. Рамазонда тунги ибодатлар мукамал бўлиши учун кундузи қайлула (пешиндан кейинги уйқу) даркор, шундагина улардан кўзлаган натижага эриша оласиз.

Сиз очлигингизда, танангизга Аллоҳ томонидан илҳом этилган табиий қувват танангизни тозалайди. Тана ўзини-ўзи даволашга ва тиклашга тушади. Меъёрий ва тўғри олиб борилган очлик жараёнида танангизда ижобий ўзгаришлар юз беради.

Таҳорат ва ғул (чўмилиш) билан биз теримизни чиқинди ва ўлик тери қолдиқларидан халос этсак, рўза билан ичимизни ҳар томонлама тозалаймиз. Ҳадислар маъносини шеърятга кўчирган буюк олим хазрати Алишер Навоий «Сихат тиласанг, кам е...» ҳикмати бежиз айтмаган. Ўйлаб қарасак, биз фахрланадиган барча буюк олимларимиз парҳезкор бўлишган. Улар ҳам биз каби авлодлари борлигидан фахрланармиканлар? Келинг, улардан ибрат олиб, ҳаётимиз моҳиятига этибор берайлик.

Асосийси, бу бир муддатли ҳаётимизда икки дунё саломатлиги ва комиллигига эришиш насиб этсин!

*Нозима тайёрлади.*



# ЮЗ ТЕРИСИНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

*Юзни уқалаш (массаж қилиш) икки хил бўлади: косметик ва гигиеник. Косметик уқалашдан майда ажинларни бартараф этиш, йирикларини эса ёйиб юбориш мақсадида фойдаланилади. Бу уқалаш йигирма беш ёшдан бошлаб қўлланиб турилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Уқалаш юзда, бўйинда, кўкракнинг ўрта қисмида ва қўл бармоқларида олиб борилади.*

*Бу уқалаш 15-35 дақиқа давом этади. Уқалаш жараёнида бемор гаплашмасдан, тинч ётиши лозим. Муолажа авайлаб, юмшоқ олиб борилади.*

Гигиеник уқалаш эса ҳар куни пардоздан олдин икки-уч дақиқа олиб борилади. Уқалаш жараёнида пальпация (бармоқ билан уқалаш) кўп қўлланилади.

Одатда кишиларнинг юз териси уч хил: қуруқ, ёгли, ўртача бўлади.

Қуруқ юзларга тез ажин тушиб, бир оз тошма (угри) тошади. Бундай юзларга Е дармондорисига бой никоблар (маскалар) қилинади. Масалан, қизил сабзини қирғичдан чиқариб, бир чой қошиқ писта ёки бодом, ёки зайтун ёғи солиниб, юзга 10-15 дақиқага чаплаб қўйилади. Ёки тухум сариғига бир чой қошиқ юқоридаги ёғлардан қўшиб, 10-15 дақиқага суртиб қўямиз. Бу дақиқа давомида тинч, юзни ҳаракатлантирмай ётиш керак. Ҳар қандай ниқобни йигирма дақиқагача турғизиш яхши самара беради. Ниқобларни илиқдан сал совуқроқ сувда ювиш лозим.

Ёгли юзларга кўп тошма тошади, ажин кеч тушади. Уларга қуритувчи ниқоблар суртиш, лосьон ёрдамида тозалаш тавсия этилади. Бундай юзларга тухум оқи, лимон суви, гуруч крахмали аралаштирилган ниқобларни қўллаш мумкин.

Ўртача юз териси энг яхши тери ҳисобланади. Бундай тери учун барча ниқоблар тавсия этилади. Хусусан, творог, тухум оқи ва сариғи, асал ва ёғ аралашмасидан таёрланган ниқоб шулар жумласидандир.

### **Фойдали маслаҳатлар:**

Бодринг юзни оқартириб, ёшартиради. Сабур (алоэ) тошмага (угрига) қўйилади, лимон юзни қуритиб, тез оқартиради, петрушка юздаги қора доғларни кетказди, оқартиради, мойчечак қайнатмасининг буғи юз терисидаги тешикларни очиб беради. Олма,

қизил сабзи юзни тиниқлаштиради, оқ тут ва узум терини таранглаштиради.

Ромашкада юз буғланганидан сўнг бир стакан қайнатиб, совутилган сувда пахтани хўллаб олинг, сўнг уни бактерияларга қарши самарали восита – «абсолют» совунига ишқалаб, туз ва ичимлик содасига номига теккизиб, юзингизга айланма шаклда суртинг ва яна бошқа сувга бўктирилган пахта билан юзингизни тозаланг.

Юз териси тиниқ бўлиши учун инсон бир йилда икки марта сурги дори ёки ичаклардаги қуртларга қарши воситалар ичиб туриши керак. Ёки ҳафтада бир марта эрталаб оч қоринга мойчечак дамламаси ичилади. Бир йилда икки-уч марта ўттиз кундан активлаштирилган кўмир ичилади (ҳар ўн кунда биттадан).

Юзни уқалашдан олдин сочлар яхшилаб йиғиб олинади. Чап кафтга бир чой қошиқ ёғни қуйиб, ўнг қўлнинг кўрсаткич ва бош бармоқлари ичкарига букиб олинади. Очқ қолган уч бармоқни чап қўлдаги ёққа ботириб, юзга бир текисда суртиб олинади ва икки қўл билан уқаланади. Бошқа одамнинг юзини уқалашда уни ётқизиб, бош томонида ўтириш қулайдир.

Уқалашнинг қуйидаги усуллари бўлиб, улар кетма-кетликда бажарилади:

1. Силаш.
2. Уқалаш.
3. Гоҳ-гоҳ тебратиш.
4. Чимчилаш.
5. Даҳанда тўғри чизиқли усул.
6. Лабда тўғри чизиқли усул.
7. Даҳан ва лабда илон изи шаклида.
8. Кўз атрофида пальпация (бармоқ билан уқалаш).
9. Юзда пальпация.
10. Юзда тўғри чизиқли усул.
11. Кўз атрофида, юзда пальпация.
12. Умумий пальпация.

Кафтни киздириб, юзга, пешона ва даҳанга, кўзга ва бўйинга, кўзга ва кўкрак ўртасига босилади. Кўз атрофлари айлана шаклида уқаланади. Юздан сўнг қўлларда чарчоқ қолдирувчи уқалаш олиб борилади. Уқалаш 15-35 дақиқагача давом этиши мумкин.

*Нозима тайёрлаган*

# РАМАЗОН ОЙИДА ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ ТАВСИЯЛАРИ

Рўза ойида овқатланиш тартибини тўғри йўлга солиш соғлиғимиз учун катта аҳамиятга эгадир. Тўғри овқатланиш ва парҳез мутахассислари сахарлик билан ифтор орасида яна икки маҳал оз-оздан таом истеъмол қилишни тавсия этадилар.

Ҳозирги ёз кунларида сахарликка туришдан кўра ётишдан олдин овқатланиб олиш маъқул кўрилмоқда. Ҳаммамизга маълумки, ёз ойларида инсон организми суюқликка бошқа мавсумлардагига қараганда кўпроқ эҳтиёж сезади. Шунинг учун ҳам кечки таом, яъни ифтор билан сахарликнинг орасида кўпроқ суюқлик ичиш лозим. Мутахассис-

ларнинг таъкидлашича, сахарликка турмасдан рўза тутилса, очлик муддатининг ортиши натижасида ошқозоннинг ҳазм фаолияти пасайиши, ҳолсизлик, бош оғриғи ҳамда хорғинлик каби ҳолатлар кузатилади.

Кун давомида инсон организмида қанд миқдори тушиб кетишининг ва узоқ вақт мобайнида оч қолиб, ифтор маҳали ҳаддан зиёд тўйиб овқатланишнинг олдини олиш учун сахарликда тўйимли, синдириб пиширилган таомлар ва инсон организми учун муҳим витамин ҳамда оксилга бой бўлган озиқ-овқатлар истеъмол қилиниши муҳим аҳамиятга эгадир.



Таомномани танлашда овқатларнинг жуда ҳам ёгли, шўр ҳамда ўта ширин бўлишидан сақланган маъқул. Буларнинг ўрнига ошқозон ҳазм фаолияти учун осон бўлган, ошқозон-ичак тизимида узок вақт қоладиган витаминга бой сабзавотлар, салатлар, қурук ва ҳўл мевалар, кепакли нонлар танланиши керак. Агар ифтор дастурхонлари ушбу танланган меню асосида безатилса, ифтордан кейинги кўпчиликда учрайдиган ошқозон-ичак касалликларининг олди олинади. Ифтор дастурхонидаги ноз-неъматлар оз-оздан, тез-тез, секин, яхшилаб чайналган ҳолда тановул қилиниши керак. Оғиз очиш вақтида овқатланишни ёғсиз шўрвалар, нонушталик маҳсулотлар ва салатлар билан бошлаб, бир-икки соатдан кейин иккинчи менюдаги таомларни истеъмол қилиш ҳазми энгиллаштиради ва бу ошқозон-ичак фаолиятининг яхши ишлашида ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Мутахассислар ифтордан бир неча соат кейин тановул қилинадиган озукалар қаторида гўштли ва гўштсиз, таркибида ёғ миқдори оз бўлган сабзавотли таомларни, оз миқдорда гуруч, хамирли таомларни, ёғсиз сомсалар, шунингдек, қатик, айрон ва сут маҳ-

сулотларини санайдилар. Ичиладиган сув миқдори эса бир кунда 1 литрдан кам бўлмаслигига аҳамият бериш зарур. Таом тановул қилингандан сўнг шарбатли, кремли, ёғда қизартирилган ширинликлар (десерт) ўрнига сутдан тайёрланган ширинликлар ёки мевалар истеъмол қилиш тавсия этилади.

Энди сахарлик вақтида ейладиган таомлар рўйхатини тавсия этамиз. Бу маҳсулотлар ошқозон-ичак тизимида узоқроқ вақт сақланиб, қорин очишини бироз кейинга сургани учун уларни сахарликда истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир. Тухум, сут, қатик, пишлок, бринза ҳамда қурук мевалар, зайтун меваси, кепакли нон маҳсулотлари, пиширилмаган сабзавотлар, мева шарбатлари, мурабболар, энгил шўрвалар ва бошқа шу каби маҳсулотлар сахарлик учун тавсия этилади. Охириги йилларда Рамазон ойи йилнинг иссиқ вақтига тўғри келганлиги учун ифтор вақтида суюқлик миқдорини бироз камайтириб, ифтордан кейин то сахарлик вақтигача 2 литр (10 стакан) суюқлик ичилиши соғлиғимиз учун муҳим аҳамиятга эгадир.

## ИФТОРЛИК ДАСТУРХОНИ

Ифтор	Ифтордан 1-2 соат кейин		Ифтордан 4 соат кейин	Уйкуга ётишдан олдин
1 коса шўрва; 1 тилим ёғсиз бринза; 3-4 дона зайтун; салат; 1-2 бўлак қора нон.	1 ликопча гўштли ёки гўштсиз сабза- вотли таом; 2-3 ўртача катталикидаги товук/ балик/; гўшт; 100 г димланган гуруч/ макарон.	Ёки 1 дона сомса; салат; 1 коса қатик ёки сомонча шаклида тўғралган 1 дона бодринг, 200 г қатик ва бир чимдим туз аралашмаси; 1-2 бўлак юпқароқ кесилган қора нон.	200-300 г мева; 1 стакан сут ёки қатик; Ёки: 250 г сутли ширинлик.	200 г мева.

## САҲАРЛИК ДАСТУРХОНИ

1-Сахарлик менюси	2-Сахарлик менюси
250 г сут ёки айрон; 1 дона қайнатилган тухум; 1-2 тилим ёғсиз бринза; Помидор, бодринг; 200 г тарвуз ёки қовун; Кепакли нон.	200 г шўрва; 1 ликопча сабзавотли таом; 2-3 ўртача катталикида товук (балик, гўшт); 200 г қатик; 1-2 бўлак кепакли нон.

«Сабах» газетасидан олинди.  
Гулнора таржима қилган.

# ҲОМИЛАДОР ЁКИ ЭМИЗИКЛИ АЁЛНИНГ РЎЗАСИ

Ҳомиладор ёки эмизикли аёл ўзига ёки боласига зарар етишидан қўрқса ёки бемор киши касалининг зўрайишидан қўрқса, (яъни даволаниши кечикишидан, ёки касали зиёда бўлишидан, ёки оғриқ зўрайишидан хавфсираса) ҳамда мусофир одам рўзасини очади (яъни рўзасини очиши ёки рўза тутмаслиги мумкин). Бу тоифалар фидя бермайдилар, қазосини тутадилар. (Яъни юқорида зикри ўтганлар зарар ёки рўза тутишга монъелик қилиб турган нарса бартараф бўлганидан сўнг Рамазондан кейин бир кунига бир кун қазо тутиб берадилар).

Бир ривоятда бировнинг боласини ҳақ эвазига эмизиб берувчи аёл рўза тутмаслиги мумкинлиги айтилган. Ушбу ҳолатда бу боланинг онасига рўзасини очиш ёки рўза тутмаслик ҳалол бўлмайди, чунки унинг боласини бошқа аёл эмизиб берганлиги учун боласини эмизиш вожиб эмас. Бу гап «Захира» ва бошқа китобларда зикр қилинган.

Эмизиш болага хавф солсагина, эмизувчи учун рўза тутмаслик ҳалол бўлади. Бу ҳақ эвазига эмизиш лозим бўлганлиги учундир. Боланинг онасига келсак, эрида эмизувчи аёл ёллаш имкони бўлгани учун унга болани эмизиш вожиб эмас. Демак, онасига рўза тутмаслик вожиб эмас.

Болани бошқа эмизувчи аёл эмизганда унинг онасига рўза тутиш фарз бўлади. Агар эри эмизувчи аёл ёллай олмайдиган камбағал бўлса ёки бола бошқани эммаса ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатларда (бизнинг юртлардагидек, ҳақ эвазига эмизувчи аёллар бўлмаса, топилмаса) уни онасининг ўзи эмизади ва унга рўза тутиш вожиб бўлмайди.

Ушбу ривоятни («Захира»дан олинган қавлни) «Фатҳ ул-қадир», «Баҳр» ва бошқа китобларда рад қилинган. Бу нарса ривоятларнинг зоҳирига хилофдир.



Балки саҳиҳ қавл шуки, рўза тутиш онанинг ёки боланинг соғлиғига хавф уйғотса, рўзани очиш ҳалол бўлади. Диёнат юзасидан ҳам, шаръий ҳукм юзасидан ҳам бу мутлақо жоиздир.

*«Шарҳул виқоя», «Умдатур-роя», «Китабус-савм», «Баб мужибул ифсод», «Асаҳхул матобиъ» матбааси, Лакнау, ҳ.1327 313-314 бетлар.  
Ҳамидуллоҳ Беруний*



# РЎЗАНИНГ СУННАТЛАРИ ҲАҚИДА

Сахарлик қилиш ва уни кечиктириш мустаҳабдир. Имом Бухорий ва Муслим Зайд ибн Собит розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда Зайд розияллоху анху айтади: «Биз Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга сахарлик қилиб, сўнгра (бомдод) намозига турдик». Зайддан: «Сахарлик билан намоз ўртасидаги вақт қанча эди?» деб сўралди. У киши: «Эллик оят ўқигудек вақт бўларди», деб жавоб берди».

Ифторликни тезлатиб қилиш ҳам яхшидир. Имом Бухорий ва Муслим Саҳл ибн Саъддан ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай марҳамат қилдилар: «Кишилар ифторқилишгашошилишарэкан, уларяхшилиқда давом этурлар. Хурмо билан ифтор қилиш, яъни оғиз очиш (мустаҳабдир)». Имом Абу Довуд, Термизий ва Ҳокимлар Анас розияллоху анхудан ривоят қилишларича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам намоз ўқишдан аввал хўл хурмолар билан ифтор қилардилар, агар у бўлмаса, қуриган хурмолар билан оғиз очардилар, агар у ҳам топилмаса, унда бир неча хўплам сув билан оғиз очардилар.

*Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам яхшилиқ қилишда одамларнинг энг сахийси эдилар. У зотнинг энг сахий пайтлари эса Рамазонда ҳузурларига Жаброил келганда бўлар эди. Жаброил алайҳиссалом Рамазон тамом бўлгунича ҳар кеча у зотнинг ҳузурларига келар эди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам унга Қуръонни арз қилар (ўқиб берар) эдилар».

*Бошқа бир ривоятда:*

«Бас, у билан Қуръонни (бир-бирларига) ўқиб беришарэди. Шунда қачон Жаброил алайҳиссалом у зотнинг ҳузурларига келса, эсган шамолдан ҳам сахийроқ бўлиб кетар эдилар», дейилган.

*Икки шайх ривоят қилишган.*

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга эргашиб, Рамазон ойида амри-маъруф қилиш, кўплаб эҳсону садақалар тарқатиш суннатдир.

Шунингдек, Қуръони каримни ўқиш-ўрганиш, Рамазон ойининг охириги ўн кунлигида масжидларда эътикоф ўтириш ва бу кунларда ижтиҳод этиш ҳам суннат амаллардан ҳисобланади.

Икки «Саҳих» китобида шундай ҳадис бор:

*Ошиа розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам қачон (охирги) ўнлик кирса, белни маҳкам боғлаб, кечани тирилтирар ва аҳлларини уйғотар эдилар».

*Бешовлари ривоят қилганлар.*


*Термизийнинг лафзида:*

«Охириги ўнликда ундан бошқада қилмаган ижтиҳодни қилар эдилар», дейилган.

Уламолар «изорни маҳкам боғлаш» борасида икки фикрни зикр этишади: биринчиси – бундан мақсад аёллардан четлашиш.

Иккинчиси – бу амалда жиддий бўлиш ва энг шимариш.

Улар яна: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг охириги ўн кунликда ижтиҳод этишларининг сабаби – қадр кечасини топиш эди», дейдилар.



# РАҲМАТ ОЙИ ЯҚИНЛАШМОҚДА

Вафот этишимиз аниқ, у тақдиримизда ёзилган. Ҳар бир нафас олишимиз ва нафас чиқаришимиз, ҳаётимиз давомида неча марта Рамазон насиб бўлиши ҳам олдиндан белгиланган.

Рамазон ҳар йили келади. У биздан олдин ҳам келган, биз ўтиб кетганимиздан кейин ҳам келаверади. У пайтда биз бўлмаймиз, аммо биродарларимиз (опа-сингилларимиз, ака-укаларимиз) масжидларда таровех намозларига жам бўлаверадилар.

Буларни мен ўтган йилги моҳи Рамазон арафасида сездим. Ушбу Рамазонни умримдаги энг сўнгги рўза ойидек яшашни ўзимга мақсад қилиб олдим. Бироқ мақсадимни амалга ошира олмадим. Рамазонни яшаб ўтдим, аммо бу ой орзу қилганимдек бўлмади. Раҳмат ҳосилини бутунлай йиға олмадим. Кундалик ташвишлар шамоли туфайли мен дунё рўзгорига ўралашиб қолдим. Жиддий шартномалар ва жиддий қарорлар қабул қилинди... Маиший ҳовлиқмалар тугаганда менинг қалбимда Рамазондан фақат эсдалик ва чидаб бўлмайдиган йўқотиш ҳисси қолган эди. Бутун йил давомида агар бу сўнгги Рамазон бўлсачи, деб кўрқиб юрдим. Дуоларимда Аллоҳ таолодан баракали ойнинг баракали нурлари насиб қилишини сўрардим. Мана, у яна яқинлашмоқда. Йилнинг энг яхши ойи – Барокат, Мағфират, Раҳмат ойига бирикки кун қолди. Барча мусулмонлар уни интизорлик билан кутмоқда.

Биз бу ойдан нималарни кутмоқдамиз? Кўпрок нима ҳақида ўйлаяпмиз? Жазирама иссиқда рўза тутиш қийинчиликлариними ё жисмоний қийинчиликлариними ёки маънавий озуқа олишними? Баъзи дугоналарим эрларининг бошқа кунларга қараганда оч қолган кунлари дарғазаброқ ва ўзини тута олмайдиган бўлиб қолишидан шикоят қилишади. «Қорни оч эрдан яхшилик кутма», деган гап бор. Аёлларнинг шикоят қилишича, улар очлик ва ташналиқдан уй ишларини кўнгилдагидек бажара олишмайди, ҳатто ўз фарзандларига нисбатан ҳам қўпол бўлиб кетишади. Ушбу муборак кунларда фақат оч қолишга

буюрилмаганмиз, балки ўзимизни гуноҳ ва маъсиятлардан ҳам сақлашимиз керак. Энг яхшиси, ҳамма нарсада ниятни тўғри қилиб, ахлоқни камолотга етказиш учун ғайрат қилиб бораверишимиз лозим. Ажру савоб олиш, маънавий ўсиш имкониятини ўз характерингизни бошқара олмаслик туфайли йўққа чиқариб, бу ғанимат фурсатни қўлдан бой бериш ниҳоятда алам қилади.

Менинг истагим, ушбу Рамазонда ўтган йили ўз олдимга қўйган, лекин бажара олмаган вазифаларининг урдасидан чиқсам. Тез кунда, санокли кунлардан сўнг соатлар дақиқаларни санайди, улар ҳам соатларга айланиб, тақвимга имо қиладилар, у эса кунларни варақлай бошлайди... Биринчи, иккинчи, ўнинчи, йигирма иккинчи... Бутун ой лаҳзалардан иборат. Ҳар бирида ўзига яраша имкониятлар. Биринчи, иккинчи лаҳза имкониятларини бой бериб қўйдингиз... Шундай қилиб ҳайит келиб қолганини ҳам билмай қоласиз ва сизни бой берилган Рамазон билан табриқлаш учун кела бошлашади. Мен ўтган Раҳмат ойининг биргина лаҳзасига, дақиқасига, соатига бепарво бўлган эдим, уни қўлдан бой бердим. Бу тиклаб бўлмас йўқотишдир. Ер юзиде қачонлардир яна унинг файзли соябони остида бўлиш насиб қиладими, йўқми, буни ҳеч ким билмайди. Ва мана, у яна бўсағамизда турибди. Мусулмонларнинг ўй-фикр ва қалбларида: «Рамазон, рамазон, рамазон», кўшиғи.

Мақолани ўқиётганларнинг қайсисигадир бу ой насиб қилмас (бу сўзлар мақола муаллифига ҳам тегишлидир). Аллоҳим, ўзингнинг раҳматингдан шу ойга етишни бизларга насиб эт, етказганингдан сўнг бу ойнинг бебаҳо ғанимат эканини ҳис қилдир. Ўтаётган умримизнинг ҳар бир лаҳзаси олтиндан ҳам қиммат эканини аён қил. Рамазонгача яшаб, унинг раҳматидан баҳраманд бўлишни насиб айла!

*Лайло Наталья Баҳодурий  
Рус тилидан Абу Муслим таржумаси*

Рўзанинг фойдалари ҳақида гап кетар экан, унинг инсон саломатлиги учун ўта фойдали эканлиги энг кўп гапириладиган мавзулардан бирига айланиб қолганини айтиб ўтиш лозим. Ҳа, бу ҳақда бугун бутун дунё гапирмоқда. Бундан аввал ҳам гапирган. Фақат худосиз коммунистларгина рўза киши саломатлиги учун зарарли, деган фикрларида қатъий туриб олган. Ўзларига илм нисбатини берган бу жоҳиллар яқин-яқингача одамларга рўза соғлиқни бузувчи энг катта омил эканини уқтирмоқчи бўлиб келдилар. Рамазон ойи яқинлашиши билан коммунистик ахборот воситалари унга қарши ташвиқот ишларини бошлаб юборар эди. Ҳамма жойларда «Билим жамияти» деб номланган жаҳолат марказларининг гумашталари одамларга рўзанинг зарарлари ҳақида маъруза ўқишни режалаштирар эдилар. Табиб номига доғ туширувчи оқ кийимли кишилар эса асосан тиб номидан қора ишларни қилиб, рўза инсон соғлиғи учун зарар, деган сафсата сотишга тушишарди. Ишхона, ўқув юртларида рўзадорларга қарши кўрилган жазо чораларини гапиришнинг ўзи инсоният учун ор-номусдир. Лекин шу билан бир вақтда Исломдан, Куръондан, шариатдан мутлақо беҳабар халқ ва юртлар вакиллари улардаги билим ва тиб хизматлари рўзанинг инсониятга, хусусан кишилар соғлиғига қанчалик фойдали эканлиги ҳақида кашфиётлар қилишар, тажрибалар ўтказишар, илмий асарлар ёзишарди. Энг қизиғи, ўша рўзанинг, ихтиёрий оч қолишнинг фойдаси ҳақида гап кўтарганларнинг кўзга кўринганлари биздаги худосизларнинг катта оғалари – руслардан эди. Кейинроқ бошқа тараққий этган давлатларда бу борада анча ишлар қилинганлиги аниқ бўлди. Жумладан, Англия, Франция, Германия ва АҚШдаги олимлар кишиларни очлик билан даволаш ҳақида сезиларли натижаларга эришдилар.

Америкалик мутахассис Пол Брегг ўзининг эллик йиллик шахсий тажрибаси маҳсули ўлароқ, «Мўжизакор очлик» деб аталган китобини ёзди. Дунёдаги кўплаб тилларга таржима қилинган бу китоб рўза инсон соғлиғи учун энг зарур омил эканлигининг ташвиқотчисига айланди. Инсон соғ-саломат бўлай деса, рўза тутиши зарур экан. Бу эса Имом Табароний ўзининг «ал-Авсат» китобида Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламдан ривоят қилган: «Рўза тутинглар, саломат бўласизлар», деган ҳадиси шарифнинг илмий тасдиғидир.

Энг ажабланарлиси, очлик билан даволовчилар киши соғ-саломат юриши учун йилига 28-32 кун ихтиёрий оч қолиши керак, деган хулосага келганлар. Аллоҳ таоло эса бу муддатнинг ўртачасини – 30 кунни биз, мусулмонларга бундан 15 аср илгари фарз ибодати қилиб қўйган. Буюк ватандошимиз Шайхур раис Ибн Сино ҳам кишиларни очлик йўли билан даволаган.

Ҳозирги кунимизда Сурия бош муфтийси Шайх Аҳмад Куфтару хазратлари Ислом оламида рўза билан даволаш бобида анча шуҳрат қозонганлар. Айниқса у кишининг хузурларида машҳур спортчи, асримиз бокс тарихи афсонасига айланиб қолган жаҳон чемпиони Му-

хаммад Алининг шифо топиши катта шов-шувга сабаб бўлди. Баъзи аъзолари қалтирайдиган касалга мубтало бўлган Муҳаммад Али шифо излаб бормаган жойи қолмаган эди. У ўзини даволатиш учун 30 миллион доллар сарфлаган, аммо бирор натижага эришмаган. Аллоҳ унга йигирма кунлик очликдан сўнг шифо берди. Яқинда очлик билан саратон (рак) хасталигидан шифо топган одамлар ҳақида ҳам хабарлар тарқалди. Ана шунда фойдали нарсани биз мусулмонларга савоб, маънавий ибодат қилиб қўйган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин.

*Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг «Рамазонни қаршилаб» китобидан.*



# МЕНИНГ РАМАЗОНДАГИ РЕЖАЛАРИМ

Мен сизларга ҳар йилги Рамазонда амал қилдиган оддий бир режамни тақдим қилмоқчиман. Мен бу йилги Рамазонда биринчи навбатда Қуръони Карим билан янада яхшироқ танишмоқчиман. Бунинг учун уни ўрганишни, ундаги илоҳий ваҳийнинг маъноларини англаб етишни биринчи ўринга қўяман. Бир ой давомида мунтазам равишда Қуръонни тиловат қилиб, иншааллоҳ, насиб қилса, машхур олим ёзган мўътабар тафсири топиб, оятларнинг тафсирини ҳам ўқиб бораман.

Рамазоннинг бошидан охиригача бомдоддан кейин ухламайман, бунинг ўрнига ишга ёки ўқишга борадиган пайт бўлгунча Қуръон ўқийман. Кун давомида вақт топиб, аввал ёдлаган сура ва оятларимни такрорлаб, мустаҳкамлаб тураман. Кейин ҳар куни ҳеч бўлмаганда битта оят ёдлашни бошлайман.

Бу йилги Рамазонда мен эрта ётаман – таровехдан келаман-у, ухлайман. Ухлашдан олдин эрта туриб, таҳажжуд ўқишга, кейин сахарлик қилиб, шомгача рўза тутишга ният қилиб ётаман. Уйқуга кетаётиб, Аллоҳнинг исмини зикр қилиб ётаман. Сахардан анча аввал уйғонаман, уйқудан турганда ўқиладиган дуони айтиб, Аллоҳга ҳамду санолар айтаман, сўнг таҳажжуд ўқиб, умматимизга хайр-барака тилаб, шайтоннинг шарридан паноҳ сўраб дуолар қиламан. Аллоҳ таолога бутун умматни, яқинларимни ва ўзимни дажжолнинг фитнасидан сақлашини сўраб алоҳида дуолар қиламан.

Мен бу йилги Рамазонни ўз-ўзимни такомиллаштириш, маънавий ўсиш ва Аллоҳ таолога яқинлик ҳосил қилишга бағишлайман. Сиёсий фаолиятни мақола ёзаётган, оммавий ахборот воситаларида нашр этаётган ёки бошқа бирор йўл билан уммат манфаатларига хизмат қилаётган, ўз саъй-ҳаракатини шу муқаддас ойда ҳам давом эттираётган мусулмонларга бердим.

Рўзадор ҳолимда фақат тўғри сўзлашга, сўзлаганда ҳам, фақат фойдали сўзни, кишиларга ижобий таъсир кўрсатадиган сўзнигина сўзлашга алоҳида эътибор қиламан. Яхши ва фойдали сўз топмасам, беҳуда сўзламай, Аллоҳ таолони Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўргатган гўзал сўзлар билан зикр қиламан. Мен бу сўзларни қуруқ айтиб қўя қолмай, балки уларнинг маъносини чуқур англаб етишга интиламан, уларнинг қалбимга, ақлимга ва ҳаётга муносабатимга таъсир қилиши учун ҳаракат қиламан. Агар зикр ва дуоларни кўп ва яхши билмасам, янгиларини ўрганаман, илмимни ошираман. Хуллас, ҳар бир бўш қолган дақиқамни Қуръон ўқиш ёки ёдлашга сарфлашга ҳаракат қиламан.

Нигоҳимни бефойда, номуносиб, салбий, ёмон ёки уят нарсаларга қаратмайман. Машинамда ҳам фақат Қуръон ёки машхур олимларнинг маърузаларини тинглаб юраман. Компьютеримни ҳам фақат Қуръон ўрганиш, ёдлаш учунгина ёқаман, ундан фақат шу мақсадда, шу ниятда фойдаланаман. Исталган сура ёки оятни то мен уни ёд олмагунимча такрорлайверадиган бундай ёрдамчини яна қаердан ҳам топаман? Сафарга чиқсам ҳам Қуръон ёки ҳадис китобларини ўзим билан олиб кетаман.

Айниқса Рамазон ойида кўзимни зинодан сақлашга қаттиқ киришаман. Номаҳрам кишига кўзим тушса, уни томоша қилиб, ташқи кўриншидан завқлана бошламасимдан тезда нигоҳимни олиб қочаман. Миш-мишлар, ғийбатлар сўзланаётган жойдан тезда қочаман, таниш-билишлар, ишхонадагиларнинг беҳуда гап-сўзларига аралашмайман, уларни тингламайман.

Рамазоннинг биринчи ўн кунлигида Аллоҳдан раҳмат, иккинчи ўн кунлигида мағфират сўрайман, учинчи кунда эса жаҳаннамдан озод қилишини сўраб, илтижо қиламан.

Бу Рамазонда ҳар доимгидан сахий, мурувватли бўламан. Дунёнинг турли чеккаларидаги му- сулмонларнинг ҳаққига дуо қиламан, тақдирнинг оғир синовларига учраган биродарларимга руҳан хамдард бўламан. Иншааллоҳ, молим нисобга етган бўлса, бу Рамазонда берадиган закотимни айнан ана шундай муҳтожларга деб ният қила- ман. Авваллари закотни бирорта кийналиб қолган яқинимга бериб келган бўлсам, энди бу ишга ўз молимдан пул сарфлаб, ҳақиқий муҳтожларни то- пиб, закотни уларга бераман. Беш кунлик дунёда қолиб кетадиган уй-жойимга, кийим-бошимга, компьютер ўйинлари ва DVD-дискларга иложи борича камроқ пул сарфлашга ҳаракат қиламан. Буларга сарфлайдиган пулларимни менда ҳаққи борларга, Аллоҳ муҳтожлик билан синаётганлар- га эҳсон қиламан.

Сахийлик билан чекланиб қолмайман, оилам, яқинларим, қариндош-уруғ, дўст-оғайнилар, та- ниш-билишлар ва умуман, ҳар қандай одам билан хафачилигим бўлса, улардан ўтган бўлса, кечириб, мендан ўтган бўл- са, узр сўрайман. Қалбимни ғазаб, шубҳа, ҳасад ва нолишлардан тоза- лайман. Ҳатто ғайридин бўлса ҳам, кўшнилариимга яхшилик қиламан, ҳеч бўлмаса, улар билан чиройли муомала қиламан. Бу йилги муборак Рамазоннинг шарофатидан уларни ҳам баҳраманд қилиб, Ийдул-Фитр- да уларга совға-саломлар, ширин- ликлар улашаман.

Бу йилги Рамазоннинг охириги ўн кунлигига тўғрилаб таътилга чиқ- моқчиман, Аллоҳ таолога маънавий, руҳий яқинликнинг ғанимат пайтла- рини кўлдан чиқармасликка ҳаракат қиляпман.

Шу йилги Рамазон муносабати билан бирорта ёмон одатимни таш- лайман, масалан, айтилган вақтдан кечикиб бориш ёки ваъдага хилоф қилиш каби ярамас иллатларимдан воз кечаман. Кашанда бўлсам, шу Рамазондан бошлаб чекмаганим бўл- син! Энди фақат кундузи эмас, кеча- си ҳам чекмайман, умуман чекмай- ман. Мен энди чекмайман! Тилимни, тишларимни Аллоҳнинг зикри учун

доимо покиза тутаман, аъзойи баданимнинг пок ва соғлом бўлишига эътибор қиламан.

Талаба бўлсам, сессия Рамазонга тўғри келиб қолса, ҳамма имтиҳонларни аъло баҳога топши- ришга ҳаракат қиламан, лекин Аллоҳни эслаш ва Қуръон ўқишга барибир вақт топаман!

Ана шундай қилиб, бу йилги Рамазонни унинг руҳиятига мос кайфиятда ўтказаман. Эрта ётиб, тонг ёришмасидан тураман, таҳажжуддан кейин- ги вақтни илмга сарфлайман. Ҳар куни бомдоддан кейин 15-20 дақиқа Қуръон тиловат қилиб, тафсир ўқийман.

Агар шу йилги Рамазонни ўйлаганимдек ўт- каза олсам, Ийдул фитрни ёруғ юз билан, салим қалб билан кутиб олиб, меҳрибон Аллоҳимдан рў- замнинг ажрини зиёда қилиб беришини сўрашга ботина оламан.

*Айюб Ҳамид*

